*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1988 йил 11 июнь
ШАНБА
№ 132 (4.328).

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

*ПАХТАЧИЛИК ШУҲРАТИНИ ТИКЛАЙЛИК*

# ИЧАР ОШИНГ ҲАЛОЛ БЎЛСИН



*Маҳмуджон ИСМАТОВ,*

*Янгийўл районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Коммунизм» колхози правлениеси раиси, партия, уруш ва меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, колхозчилар-нинг Бутуниттифоқ IV съезди делегати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор*

БУ ЙИЛ олтмиш саккиз ёшни қаршиладим. Мен халқимиз ризқ-рўзи, ифтихори ҳисобланган пахтага умрим бахшида, десам хато қилмайман. Чунки ақлимни таниганимдан бошлаб бутун ҳаётим, айниқса Улуғ Ватан урушидан кейинги куч-қувватга тўла умрим оқ олтин етиштириш билан ўтаяпти. Деҳқон ҳалол меҳнати, манглай тери эвазига топган нон таъмини тотганман, унинг қадрини, нақадар азизлигини яхши биламан. Ўттиз етти йилдан бери колхозга раҳбарман. Касофат уруш оқибатлари эндигина тугатилаётган, халқ хўжалигини тиклаш қизғин бораётган пайтда мени иқтисодий ночор колхозга раис этиб сайлашганди. Фақат бизда эмас, ҳамма хўжаликлар шундай чўкиб қолган, вазият гоят оғир эди. Лекин кишилар сира нолишмас, тушкунликка тушишмас, аксинча, ғайрат кўрсатиб яхшироқ ишлаш, тезроқ аҳволни ўнглаш тўғрисида қайғуришарди. Улар уруш йилларида тобланиб, бир-бирларига беҳад меҳр қўйган, суяниб қолган, тинчликнинг, дўстликнинг асл моҳиятини чуқур тушунган, ниҳоят, осойишталик даврида фаровон яшаб, ҳалол меҳнат қилишни интиқ кутган одамлар эдилар.

Мен ана шундай фазилатлар мамлакатни, жумладан бизнинг колхозимизни оёққа турғазган, тикланиш йиллари муваффақиятини таъминлаган муҳим омиллар бўлди, деб ўйлайман. Бунга бежиз тўхталаётганим йўқ. Ишни деярли ҳаракатсиз нуқтадан бошлагандик. Хўжалигимиз шоҳли йўлни босиб ўтиб, унинг номига Меҳнат Қизил Байроқ ордени қўшиб айтиладиган бўлдики, бу гап замирида жуда катта меҳнат, тўғрироғи, беқиёс ишларни амалга оширган, бугунги кунда партия ва ҳукуматимиз асосий эътиборни қаратаётган қудратли инсон омили ётади. Менимча, ҳозирги пайтда ҳам худди шу нарса ишни қайта қуришнинг, ишлаб чиқаришни жадаллаштиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи, муваффақиятлар асоси ҳисобланади.

Қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик, тонна ва центнер ортидан қувиш, шунга ўхшаш бошқа иллатлар пахтачилигимиз тараққиётини тўсиб қўйди. Қийини чиққан қинғир ишлар барчанинг кўз ўнгида рўй берди. Яра газакланаётганини кўриб турибоқ ўзимизни билмаганга олдик, лоқайдлик, «хўп-хўпчилик оқибатида шу кўйга тушдик. Салбий иллатлар фош этилганига, уларнинг илдизлари қирқилганига тўрт йилдан ошди. Аммо шу вақт мобайнида ҳам етказилган зарар оқибатларини тугатиб, тармоқни қолоқликдан қутқариб бўлмади. Айшини нодон суриб, кулфатни доно тортади, деганларидек, пахтакор номига нолойиқ, нопок шахсларнинг хатолари касрига бегуноҳ деҳқонларимиз қолишди.

**Қайта қуриш аҳволни чуқур ўрганишни, ҳамма нарсани ўз номи билан аташни тақозо этмоқда.** Партия ва ҳукуматимиз, республикамиз раҳбарияти пахтакор меҳнатини енгиллаштириш, унинг турмуш шароитини яхшилаш, обрў-эътиборини кўтариш тўғрисида доимо ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII ва IX пленумлари пахтачилигимизнинг ҳозирги аҳволини батафсил муҳокама қилиб, қолоқликдан қутулиш, олға силжиш йўл-йўриқларини аниқравшан белгилаб берди. Тармоқни интенсивлаш, илмий асосда иш юритиш, алмашлаб экишни тўла жорий этиш ва қатъий изга солиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, шу тариқа оқ олтин ҳосилдорлигини юксалтириш, бутун ишимизни, айниқса йиғим-теримни комплекс механизациялаш, хўжаликни ҳисоб-китоб билан, оқилона бошқариш кераклиги агросаноат комплекси ходимларининг қурултойида яна бир марта таъкидланди. Катта ғамхўрлик сезаяпмиз, куч-мадад олаяпмиз, лекин зиммадаги масъулият, социалистик Ватан олдидаги интернационал бурч ва шон-шарафимиз— пахта ҳақида чуқурроқ ўйлаяпмиз.

Ҳаммамизнинг ота-бобомиз деҳқон ўтишган, пахтакорлик мерос касб. Ғўза ўстиришнинг, оқ олтин етиштиришнинг қонун-қоидаларини, қувонч-ташвишларини яхши биламиз. **Келинглар, бир ўйлаб кўрайлик. Ҳар бир хўжалик, район, область, ниҳоят, республика белгиланган планни, мажбуриятни бажара олади-ми, йўқми! Агар уддасидан чиқолмасак, сабаблари нималардан иборат! Ёки аксинча, адо этолсак, унда нега шундай қилмаяпмиз! Бу оддий саволларни барча — деҳқону механизатор, мутахассису раҳбар, айниқса коммунист ўзига бериб кўришини, унга баҳона эмас, ҳақиқий жавоб топишини жуда истардим.**

ЧУНКИ пахтачилигимиз ҳозир чиндан ҳам қийин аҳволда. Қарзни узиш у ёқда турсин, топшириқни эплай олмаяпмиз. Тармоқда ҳамма ишларимиз пала-партиш, ораташ-қуралаш. Биргина алмашлаб экишни олайлик. Ҳосилдорликни оширишда унинг нақадар муҳимлигини нафақат ўқимишли мутахассис, оддий деҳқон ҳам яхши билади. Лекин кўпроқ пахта етиштириш мақсадида ер унумдорлигини кўтарish ўрнига экин майдонларини кенгайтириш билан шуғулланилди, оқибатда алмашлаб экиш унутилди. Айниқса, ғўзанинг синалган ўриндоши — беданинг ўрни камайиб кетди. Бултурга келиб алмашлаб экиш бор-йўғи 28 район, 278 колхоз ва совхозда ўзлаштирилибди, холос. Яхшики, республика партия ва ҳукуматининг, Агросаноат давлат комитетининг кўрсатмалари билан мазкур йилдан бошлаб ҳамма хўжаликларда уни мажбуран жорий этиш йўлга қўйилди.

Яна бир долзарб муаммо — навларни тартибга солиш ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳозир жойларда 25 дан знёд нав экилмоқда. Бироқ республика енгил саноатнинг учинчи ва тўртинчи тип толага эҳтиёжини қондира олмаяпти. Ҳолбуки, талаб кам бўлган олтинчи тип тола берувчи навлар жами пахтазорларнинг тўртдан бир қисмида ўстирилмоқда. Буни қандай тушуниш мумкин? Ҳамма иллат шундаки, навни деҳқон эмас саноатчи танламайди, балки ҳақиқий аҳволдан бехабар ва йироқ бўлган кишилар планлаштиргани экилаяпти. Бизнинг ҳам айбимиз бор: бу аҳволга томошабин бўлиб ўтирибмиз, уруғни қадаётганда унинг нави, класси, унувчанлиги билан ҳадеганда қизиқмаймиз.

**Касбга ихлос қўйишда ҳикмат кўп.** Саккиз-ўн йил далада астойдил ишлаган деҳқон пахта етиштириш илмини унча-мунча билимдон мутахассисдан кам ўрганмайди. У ҳосил шудгорлашдан бошланишнигина эмас, балки ерни қачон, қандай чуқурликда ҳайдалишини, бу пайтда тупроққа нима солинишини беш панжасидай яхши билади. Тўла эркинлик ва ҳуқуқ олган, масалан пудратга ўтиб ёки бошқа илғор усулда ишлаётган коллективлар қувончли натижаларга эришмоқдалар. Бироқ назаримда, сўнгги пайтларда бундайлар кўпайиш ўрнига камаётгандек. Одамлар ўзларини бошқа соҳаларга уришаётгани сабабини пахтада ҳақ камлиги, моддий манфаатдорлик пастлиги, яна тўғрироғи, оқ олтин харид баҳоси арзонлигидан излаш керак. Шу боисдан, менимча, пахтанинг нархини ошириш масаласини тезроқ кўриб чиқиш ва ижобий ҳал этиш зарур.

Деҳқон йил бўйи тинмайди. Негаки, пахта етиштириш тўрт фасл — ўн икки ой мобайнида бажарилувчи агротехник тадбирлар комплексига боғлиқ. Уларни бирбиридан ажратиб бўлмайди, балки ҳар қайсиси масъулиятли вазифа ҳисобланади. Пахтачиликда агротехник тадбирларни вақтида амалга оширш, ишни оқилона ташкил этиш, хўжаликни тўғри юритиш жуда муҳим. Бошқача айтганда оқ олтин тақдирини пахтакор меҳнати, маҳорати ҳал қилади.

Юқорида Улуғ Ватан урушидан кейинги оғир йилларда одамларимиз юксак уюшқоқлик, катта фидойилик кўрсатишганини гапириб ўтдим. Хаёлан тургунлик ва тикланиш даврларини бир-бирига қиёслашга уриндим. Йўқ, уларни мутлақо ўхшатиб бўлмайди, чунки вазият, техникавий потенциал, кишилар бошқа-бошқа. Ҳозир пахтачилик тақдири асосан ўша суронли уруш пайтида ва оғир тикланиш йилларида туғилган фарзандлар қўлида. Бугунги кун муаммоларини ҳал этишда улар ота-оналаридек жонкуярлик, ҳамжиҳатлик, ғайрат-шижоат кўрсатишлари, ишончни оқлашлари лозим.

ЙИЛЛАР шонли ва унутилмас воқеаларга бой бўлмоқда. Бултур Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги кенг байрам қилинди. Лекин унга биз, пахтакорларнинг меҳнат туҳфамиз кўнгилдагидек бўлмади — республика бўйича пландагидан 962 минг тонна кам оқ олтин тайёрланди. Шу йил мартда колхозчиларнинг Бутуниттифоқ IV съезди бўлди. Яқинда Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисида доҳиймиз В. И. Ленин имзо чеккан декретнинг 70 йиллиги нишонланди. Ҳадемай коммунистларнинг улкан анжумани — XIX партия конференцияси ўтади. Буларнинг ҳар бири катта меҳнат совғалари ҳозирлашга арзигулик қутлуғ саналардир.

Жорий йилда республикада биринчи марта чигит экиладиган майдонлар ҳажми қуйидан, областларнинг таклифи билан аниқланди. План эса камайтирилиб, 5 миллион 250 минг тонна қилиб белгиландики, бу деҳқонларга анча ёрдам, бизнинг тилда айтганда, қайишиш бўлди. Партия ва ҳукуматимизнинг ғамхўрлигига муносиб жавоб қайтаришимиз керак. Хўш, ёрқин саҳифали, катта имконият яратилган ушбу йилни қандай якунлаймиз? **Ҳаммани қизиқтираётган, ўйлантираётган бу саволга пахтакорларимиз ишда туб бурилиш ясаш, кўзланган маррани албатта эгаллаш билан жавоб берадилар, деб ўйлайман.**

Чунки бу йил деҳқончилик учун қулай келмоқда, кейинчалик пайдо бўладиган турли баҳона ва эътирозларга ўрин қолмаяпти. Республика бўйича экиш энг соз муддатларда, ҳар галгидан кўра муваффақиятли ўтказилди. Чигит униб чиқишида қийинчилик, тўсқинлик учрамади. Ҳозир планни қоплайдиган даражада мўл, эртаги пахта етиштириш учун барча имконият бор: сув, ўғит, техника, ишчи кучи етарли. Ҳаво деҳқон кўнглидагидек келаяпти. Демак, эндиликда ҳамма гап ғўзани бундан буён қандай парвариш қилишда, яъни агротехник тадбирларни қай йўсинда бажаришда қолган.

Колхозимиз аҳли умумий йиғилишда муҳокама этилиб, тасдиқланган тадбирлар асосида иш юритмоқда. Бизнинг шароитда апрелнинг биринчи ярми экиш учун қулай ҳисобланади. Шунга амал қилиб, ерга 7—15 апрелда чигит қададик. Бунда ғўза навига, уруғлик сифатига алоҳида эътибор бердик, ишни мунтазам кузатиб бордик. 1 майга қадар 1.440 гектар майдоннинг ҳаммасида ниҳоллар текис ундирилиб олинди. Яганалашни ҳафта ичида тамомлаб, тўлиқ гектарлар яратдик. Дастлабки культивация ва озиқлантириш ҳам ниҳоясига етказилди.

Бу йилги шароитда, айни кунларда нималарга эътибор бериш керак? Кўклам кўнглимизни чоғ этди: чигитни қисқа фурсат ичида экиб, тупроқнинг табиий намида ундириб олдик. Ҳар йилгидек ортиқча меҳнат ва материал сарф қилинмади. Гектар ҳисобига 90—95 минг туп кўчат бўлиши таъминланди. **Энди вақтни, имконятни қўлдан бермаслик муҳим. Бундан буён соат сайин парваришни қизғитиш лозимки, бу — кун санаётган ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсишига, пахта барвақт пишиб етилишига хизмат қилади.**

Жойларда тупроқ, иқлим ва бошқа шароитлар бир-бирига ўхшамайди, турли навлар ўстирилмоқда. Парваришда булар албатта ҳисобга олинади, шу билан бирга илм-фан ютуқларини, илғорлар тажрибасини ўрганиб, қўлланишнинг ҳам фойдаси катта. Бизнинг экинзорларимиз ҳар хил: текис, қия ва паст-баланд майдонлардан иборат. Уларда жўякларни юмшатиш, озиқлантириш, суғориш ҳам турлича. Бу талаб ҳамиша деҳқонларимизнинг диққат-эътиборида. Ғўза гуллагунча сув билан ўғитни енгил-енгил берамиз. Ниҳоллар бақувватлашиб, ҳосилга ўтиргач парваришни кучайтирамиз. Вегетация даврида 28 та чопиқ трактори билан беш мартга комплекс ишлов беришни, бу тадбирни 20 августда тугаллашни кўзлаганмиз.

Парваришнинг нозик томонларидан бири ғўзани шохлатишдир. Бунга кўпчилик эътибор бермайди, ҳолбуки, ҳосилдорликда, машина теримида катта аҳамиятга эга. Шохларнинг ораси бир-биридан 4—5 сантиметр узоқликда бўлиши керак. Шунда ғўза ҳадеб бўйига зўр бермайди, бўлиқ ўсади. Агар шохчалар оралиғи 7—9 сантиметрни ташкил этса, туп бузилган ҳисобланади.

Тўғри шохлатишда суғориш беқиёс роль ўйнайди. Чунки экинни сувга ўргатиб қўймаслик, ғовлатиб юбормаслик, хуллас, нормал ривожлантириш асосан оби ҳаётни қандай тарашга боғлиқ. Шунинг учун бу юмушни меъёр биладиган тажрибали сувчилар бажаришгани маъқул. Биз бутун парвариш давомида ниҳолларни тўрт марта суғорамиз.

Муҳим агротехник тадбирлардан бири — чеканкани вақтида сифатли ўтказиш ҳосилнинг пишиб етилишини тезлаштиради. Уни қачон ва қандай бажариш зарур? Биз 15 июлдан бошлаб ён шохларининг учини чилпишга киришамиз. Бунда шохчаларнинг сонига албатта эътибор берилади. У 10—12 тадан кам бўлмаслиги керак, агар 15—16 та бўлса янада яхши. Ён шохлари қўлда чеканка қилинади. Бунда: биринчидан, иш сифатли бажарилади; иккинчидан, киши юрганда қатор оралари шамоллаб, ҳаво киради; учинчидан, оралиқ ва ғўза туплари машинага мосланади. 1—15 августда эса механизмлар ёрдамида ва қўлда икки босқичда асосий чеканка ўтказилди.

Колхозимизда 26 йилдан бери звено усулида иш юритилмоқда. Бизнинг илгариги принципимиз тартиб-қоидалари ҳозирги пудратникичалик бўлмаса-да, лекин меҳнатни тўғри тақсимлаш, хўжаликни олға ривожлантириш имконини берганди. Уч йилдан буён пудратга ўтиб ишлаяпмиз. 22 та звено бор, уларга шартнома асосида 60—98 гектардан ер тақсимлаб берилган. Бу майдонларни эса звено аъзолари, яъни ҳар оила 2—4 гектардан бўлиб олган.

**Пудратнинг энг муҳим афзаллиги шуки, ер ҳақиқий эгасининг кўзидан бўлади. У бракни йўқотиб, масъулиятни оширди. Ишда пала-партишлик йўқ, ҳар ким ўзини ўзи бошқаради, ўзини ўзи назорат қиладн.** Пудратчи юқоридан кўрсатма кутмайди, ишни мустақил бажараверади. Табиийки, ғўза қатор ораларини сифатсиз юмшатишга, пайкалда бегона ўт бўлишига йўл қўймайди. Бошқача айтганда одамлар илгари ўз томорқаларида қандай ишлашган бўлса, ҳозир колхоз даласида ҳам шундай меҳнат қилишаяпти.

Фақат кузда ҳосилни пудратчи ўз кучи билан териб бера олмаяпти. Бултур ҳам ишлов пайтида шартномага қатъий амал қилдик, йиғим-теримда эса совуқ эрта тушгани учун ҳашарчилардан фойдаланишга тўғри келди. Натижада деҳқоннинг анча ҳақи четга кетди. Менимча, айни шу пайтда ишни пухта ташкил этишимиз лозимки, колхозчи баҳору ёз бўйи қилган оғир меҳнатининг ҳузурини бошқалар эмас, ўзи кўрсин.

Бу йил кузги мавсумни ёрдамчиларсиз ўтказишга бел боғладик. Бунинг учун шундай ҳисоб-китобларни тайёрлаб қўйдик: мавжуд 26 та зангори кеманинг ҳар бири билан ўртача 104 тоннадан оқ олтин терилади. Шунда ялпи хирмоннинг 60 проценти ёки 2.700 тоннаси бункерлардан тўкилади. 850 гектарга яқин майдондаги ғўзалар ҳозирдан машинабоп қилиб ўстирилмоқда. Давлатга жами 4.500 тонна пахта топширадиган бўлсак, унинг 1.800 тоннасини қўлда саранжомлашга тўғри келади. 500 гектардан знёдроқ экинзор кичик карталардан, паст-баландликдан иборат. Шу ерлар қўл теримига ажратилди. Мавсумда 600 нафар колхозчи бевосита иштирок этади, ҳар бири 3 тоннадан бемалол тера олади. **Зарур бўлган тақдирда колхознинг бошқа соҳаларида ишлаётганлардан зарбдор группалар тузамиз. Кўриниб турибдики, ёрдамчига ҳеч қандай ҳожат қолмайди.** Мен ҳар бир хўжаликда мана шундай ҳисоб-китоб бўлишини, шаҳарликларни, айниқса студент ва мактаб ўқувчиларини асосий юмушларидан қолдирмасликни жуда истардим.

ПАХТА — ўзбек халқимизнинг азалдан шон-шуҳрати, касби-кори бўлиб келган. Бугунги кунда ҳам шундай. Уни ҳалол меҳнат билан етиштириб, ошимизни ҳалоллаб ичайлик. **Тупроғимиз тенгсиз хазинага макон, ҳавомиз ҳароратбахш, осмонимиздаги қуёш саховатпеша эканки, уларнинг бебаҳо меваси — оқ олтинни кўпайтирайлик.** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумида таъкидланганидек, «Биз пахтанинг нуфузини ва пахтакорлик касбининг обрў-эътиборини бутун чоралар билан оширишимиз керак. ...Ўзларининг бутун инсоний қалб ҳароратини оппоқ чаноқларга бағишлаган ҳалол, виждонли кишилар, шонли колхозчиларимиз ва совхозларнинг ишчилари, мутахассислар шаънига доғ тушириб бўлмайди». Пахтамиз оқ, қалбимиз оқ, юзимиз ҳам оқ бўлсин!

Хўжалигимиз аҳли Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхоз раиси, партия ва меҳнат ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Миразиз Рўзматовнинг «Қишлоқ ҳақиқати»да эълон қилинган мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқди. Тажрибали пахтакор жуда бамаъни гапларни, ўй-фикрларни айтган. Улар барча деҳқонлар дилида етилиб турган муаммолардир. Ҳамкасбим унда тармоқни қолоқликдан олиб чиқиш, 1988 йилда пахтачиликда туб бурилиш ясаш ҳақида гапириб, колхозчилар номидан бизни ўзаро мусобақага чақирибди. Оқ олтин тайёрлаш юзасидан белгиланган план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажаришда меҳнат беллашуви шубҳасиз катта роль ўйнайди. Шу боисдан охунбоевликлар чақиригига қўшиламиз.

# ОРБИТАДА ТУТАШУВ

## «МИР» КОМПЛЕКСИДА СОВЕТ-БОЛГАР ЭКИПАЖИ ИШЛАМОҚДА

ТАСС ахборoти

**1988 йил 9 июнь куни Москва вақти билан соат 19 дан 57 минут ўтганда «Союз ТМ-5» космик кемаси «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилди.**

**Халқаро экипаж-совет космонавтлари Владимир Титов, Муса Манаров, Анатолий Соловьев, Виктор Савиних ва болгар космонавти Александр Александров Ер атрофидаги орбитада бирғаликдаги тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришга киришди.**

**Совет Иттифоқи ва Болгария олимлари томонидан тайёрланган парвознинг илмий программаси 8 кунга мўлжалланган.**

**Халқаро экипаж астрофизик тадқиқотларнинг кенг программасини бажариши, Ер сатҳини, шу жумладан Болгария Халқ Республикаси территориясини суратга олиши керак. Шунингдек, медицина-биология тадқиқотлари, космик материалшуносликка доир экспериментлар ўтказиш режалаштирилган. Бирғаликдаги ишларнинг анчагина қисми Болгария мутахассислари яратган ва орбитага «Прогресс-36» юк кемасида келтирилган илмий аппаратлардан фойдаланиб бажарилади.**

**«Мир» орбитал комплексининг борт системалари нормал ишлаб турибди.**

**Титов, Манаров, Соловьев, Савиних ва Александров ўртоқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.**

## КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВга, БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Тодор ЖИВКОВга

Қадрли Михаил Сергеевич Горбачев ва Тодор Живков!

Самимий табрик сўзларингиз ва яхши истакларингиз учун сизларга чин қалбдан миннатдорчилик билдирамиз.

Биз илмий-тадқиқот комплекси халқаро экипажининг аъзолари тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришга киришганлигини маълум қиламиз.

Учувчи бошқарадиган комплекс борт системалари ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.

Учишнинг белгиланган программасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни, билимимизни ва маҳоратимизни сарфлаймиз, деб қардош малакатларимиз партия ва давлат раҳбарларига ва шахсан сизларга ваъда берамиз.

**«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи**
**В. ТИТОВ,**
**М. МАНАРОВ,**
**А. СОЛОВЬЕВ,**
**В. САВИНИХ,**
**А. АЛЕКСАНДРОВ.**

## «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплекси халқаро экипажи—космонавтлар Титов, Манаров, Соловьев, Савиних, Александровга

Азиз ўртоқлар! «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида ишни муваффақиятли бошлаганлигингиз билан сизларни чин қалбдан табриклаймиз ва самимий қутлаймиз.

Сизлар биргаликдаги иккинчи совет—болгар космик парвозини амалга ошириш шарафига муяссар бўлдингиз. Сизлар орбитада бажаришингиз лозим бўлган «Шипка» лойиҳасига доир илмий-тадқиқотлар программаси космосни тинч мақсадларни кўзлаб ўзлаштиришнинг ёрқин намунасидир. Бу программанинг бажарилиши Совет Иттифоқи ва Болгария халқ хўжалиги манфаатлари йўлида фан-техника тараққиётини янада ривожлантиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Сизларнинг парвозингиз — сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида самарали ҳамкорлик қилиб келаётган, КПСС ва БКП раҳбарлигида ўз мамлакатларида социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичида улкан революцион ўзгартишларни амалга ошираётган совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий ва бузилмас дўстликнинг ёрқин мужассамидир.

Сизлар юксак ишончли шараф билан оқлайсизлар, деб ишонамиз.

Парвоз программасини муваффақиятли бажариб, жонажон еримизга эсон-омон қайтишингизни тилаймиз.

**М. ГОРБАЧЕВ Т. ЖИВКОВ**

## КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВга, БКП Марказий Комитетининг Бош секретари, БХР Давлат кенгашининг раиси ўртоқ Тодор ЖИВКОВга

Совет ва болгар космонавтларидан иборат халқаро экипаж «МИР» орбитал комплексида биргаликдаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментлар программасини бажаришга киришганлигини маълум қиламиз.

Учувчи бошқарадиган комплекс борт системалари ва илмий аппаратлар нормал ишламоқда.

Учишнинг белгиланган программасини муваффақиятли бажариш учун бутун кучимизни, билимимизни ва тажрибамизни сарфлаймиз.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Болгария халқлари ўртасидаги бузилмас қардошлар-ча дўстлик.

**«МИР» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи**
**В. ТИТОВ,**
**М. МАНАРОВ,**
**А. СОЛОВЬЕВ,**
**В. САВИНИХ,**
**А. АЛЕКСАНДРОВ.**

## «ПАРРАНДАЧИЛИК-88» ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасида очилган халқаро «Паррандачилик-88» виставкасида парранда ўстиришда ишлатиладиган энг янги компьютерлар ва комплекслар, ўраб берадиган автоматлар ва хиллайдиган иниялар кўрсатилмоқда. Бу ерда 48 та фирма саккиз кун мобайнида ўз маҳсулотларини кўрсатади.

Виставка бутун мамлакатдан ва чет эллардан Ўзбекистон пойтахтига келган паррандачилар парранда гўшти етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида жаҳонда эришилган даража билан, янги техникани жорий этиш билан танишадилар. Бу нарса кўпгина паррандачилик фабрикаларини реконструкция қилишга, парранда гўштини қайта ишлаш чиқитсиз технологиясини жорий этишга имкон беради. Виставка доирасида мутахассислар учун семинарлар ҳам ўтказилади.

Виставкани очиш марасимида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Қ. Ҳ. Маҳамадалиев нутқ сўзлади.

## ЁДГОРЛИКЛАР ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

Тарихий ёдгорликларни дахлсиз сақлаган ҳолда қадимги шаҳарларни қандай қилиб таъмирлаш керак? СССР Маданият министрлиги маданият ёдгорликларини сақлаш илмий-методик кенгашининг 9 июнь куни Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган пленуми қатнашчилари шу муҳим социал муаммони ва у билан боғлиқ бутун масалалар комплексини муҳокама қилдилар. Пленумда барча иттифоқдош республикалардан, Москва ва Ленинграддан келган таниқли архитекторлар, реставраторлар, маданият органларининг масъул ходимлари қатнашдилар.

Реконструкциядан сўнг шаҳар қулайроқ бўлиб қолиши керак. Шу билан бирга у ўз аҳолиси учун файзини йўқотмаслиги лозим. Пленум қатнашчилари сўзлаган кўпгина нутқларда ана шу фикр айтилди. Улар шаҳарларнинг тарихий қисмини қуришда ўйламай-нетмай қилинадиган ишларга қарши гапирдилар. Бу нарса ноёб ёдгорликлардан жудо бўлишга олиб келади. Ҳолбуки, бундай ёдгорликларни бузиб ташлаш давом этмоқда. Тошкентда, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларида ҳам шундай бўлмоқда. Реконструкция ишларининг лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг ошкоралик, жамоатчиликнинг фаол қатнашуви зарур. Шундай қилгандагина, ими-жимида қарорларга келиш практикасига барҳам бериш мумкин бўлади. Бундай қарорлар ўтмишда кўҳна шаҳарларнинг беназир қиёфасига жуда катта зиён етказганди.

Пленум Тошкентда «Тарих ва маданият ёдгорликлари пропагандасини такомиллаштириш муаммолари» мавзуида ўтаётган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши доирасида бўлди.

(ЎзТАГ).

# ТАШАББУСКОРЛИК, МАСЪУЛИЯТ, ДАДИЛЛИККА—КЕНГ ЙЎЛ!

*ЎЗБЕКИСТОНДАН БУТУНИТТИФОҚ XIX ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ДЕЛЕГАТЛАРНИНГ СИРТҚИ ОЧИҚ ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ*

**КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қилиш ҳақиқатан ҳам умумхалқ муҳокамаси тусини олди. Барча корхоналарда, колхозлар ва совхозларда, муассасалар ва ижодий ташкилотларда коммунистлар, партиясизлар бутун серқирра турмушимизни акс эттирувчи асосий қоидаларни манфаатдорлик билан ўрганиб чиқмоқдалар. Ҳамиша бўлганидек, одамларнинг кўпчилиги Тезисларда ҳар бир кишига бевосита дахл қилувчи сатрларни топиб, ўзларининг шахсий таклифларини билдирмоқдалар. Бунинг устига ана шу таклифларнинг кўпи мамлакатда амалга оширилаётган қайта қуриш муқаррарлигининг яна ҳам мустаҳкамроқ гарантияларини яратишга қаратилгандир.**

**Ўзбекистоннинг республика, область, шаҳар ва район газеталари меҳнаткашларимизнинг партия сўзини қандай манфаатдорлик билан қабул қилганликларини кўрсатувчи кўпдан-кўп фикр-мулоҳазаларини ҳар кун босиб чиқармоқда. Бутуниттифоқ партия конференциясида мамлакатнинг барча томонларидан келадиган беш минг делегат кенгашади. Салкам икки юз нафар коммунист Ўзбекистон партия ташкилотидан вакиллик қилади. Делегатлардан ҳар бирининг (одатда булар энг серғайрат, ташаббускор коммунистлардир) партиядаги ўртоқларига айтадиган гаплари бор, албатта. Аммо уларнинг ҳар бирига сўз беришнинг амалда имкони бўлмаса керак. Шунга қарамай иложини топса бўлади. Ўзбекистон Ахборот агентлигининг редакцияси XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси делегатларига мурожаат этиб, улар Москвага қандай кайфият билан бораётганлиги тўғрисида ҳозирнинг ўзидаёқ дилидаги бор гапни матбуот саҳифаларида билдиришни таклиф қилди. Республика сиртқи партия йиғилиши худди шу мақсадда уюштирилмоқда, бунда биз делегатларнинг ҳар бирига сўз беришга тайёрмиз. Бунинг бирдан-бир шарти бор, у ҳам бўлса кўп ва қуруқ гапирмаслик, танқид қила туриб бирон-бир конкрет нарсани таклиф этиш, ўзгаларнинг фикрини такрорламаслик керак.**

**Партия конференциясининг иши тугаганидан кейин биз худди шундай йиғилишни яна ўтказишни мўлжалламоқдамиз. Аммо бунда кун тартиби бошқача бўлади: орзуларингиз ушалдими, кутганларингиз рўёбга чиқдими!**

**Шундай қилиб, йиғилиш очиқ. Сўз берилади...**

## Исматулла ҚОБУЛОВ,

**Андижон областидаги «Ямбол» совхозининг директори**

— Қайта қуриш бошланганига уч йил бўлди-ю, аммо ҳозирча силжишлар, аввало экономика соҳасидаги силжишлар унча кўп эмас. Экономика минг-минглаб бир-бирини инкор этувчи қоидалар, инструкциялар ва бошқа идоравий ҳужжатларнинг қалин тўри билан ҳануз ўраб олинган. Мутлақо ортиқча ташкилотлар ҳаддан ташқари кўп.

Масалан, район агросаноат бирлашмасини олиб кўрайлик. У ташкил этилаётганида қанчадан-қанча мақтов сўзлари айтилган эди. У хўжаликларнинг манфаатларини қўриқлайди, колхозлар билан совхозларнинг кундалик фаолиятига аралашмайди, дейишганди. Назарий жиҳатдан худди шундай бўлади, деб ўйланган эди. Амалда эса шундай РАПО қаерда борлигини менга кўрсатинг-чи. Ҳозир у бизга, хўжаликларнинг раҳбарларига ҳамма нарсани: экинзорларнинг структурасини, ишлаб чиқариш планларини ва ҳоказоларини кўрсатиб, буйруқ бериб туради. Нима учун менга ишонишмайди, нима учун совхоз мутахассисларига ишонишмайди?

Шунинг учунки, маъмурий буйруқбозлик системаси ҳозирча ўз позицияларидан воз кечгани йўқ. Ҳамма жойда ва ҳар бир ишда гўё «пастда» гўдаклар ўтиришгандек, буйруқ талаб этилади. Ҳозирги аҳволдаги РАПО шунчаки бефойда эмас, балки зарарли ҳам деб ҳисоблайман. Чунки бундай шароитда биз равнақ топаётган экономика асосининг асоси — тўла хўжалик ҳисобини жорий эта олмаймиз.

Аппаратнинг тазйиқ ўтказишини тўхтатиш учун уни олиб ташлаш керак, вассалом. Район партия комитетларида қишлоқ хўжалик бўлимларининг мутлақо ҳожати йўқ. Чунки улар биронта фойдали ишлар билан шуғулланмайдилар. Фақат секретарларга справкалар тайёрлайдилар, холос. Область комитетларида ҳам аҳвол шундай. **Тармоқ бўлимларидан, бинобарин эса хўжалик вазифаларидан халос бўлган барча даражалардаги партия комитетлари чинакамига партиявий-сиёсий иш билан шуғулланадилар, кадрлар иши билан машғул бўладилар.** РАПО ва область агросаноат комитетларини ҳам ўзгартириш, ҳатто бутунлай бекор қилиш керак.

Шуни илова қилмоқчиманки, қотиб қолган аппаратни ўзгартириш жамиятни демократиялашга, қарорларнинг коллегиал асосда қабул қилинишига олиб келади. Бу борадаги дастлабки силжишлар яққол кўриниб қолди.

## Ғаффор ОБИДОВ,

**Навоий область Нурота районидаги «Ғозғон» давлат наслчилик совхозининг катта чўпони**

— КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини қайта-қайта ўқияпман. Тезисларда қишлоқ хўжалигидаги аҳволдан ташвишланиб айтилган сўзларга батамом қўшиламан. Энг юксак даражада озмунча тўғри қарорлар қабул қилиндими. КПСС Марказий Комитетининг Озиқ-овқат программасини қабул қилган 1982 йил май Пленуми ҳар биримизни умидвор қилганлиги эсимда. Орадан мана олти йил ўтди, натижалари қандай бўлди? Бу программа ҳам оғзаки бўлиб қолди.

Ушбу муаммога районимиз мисолида қарайдиган бўлсак, район партия комитетининг камчиликлари кўзга яққол ташланади. Унинг ходимлари хўжалик ходимларининг ўрнини эгаллаб зиммаларига кўп ишларни олдилару, лекин бошланган иш ўлда-жўлда қолиб кетаверди. Одамлар билан жонли ишни, қабул қилинган қарорлар устидан назоратни унутиб қўйиб қоғозларга ботиб кетдилар. Кўп йиллар сурункасига район комитетининг аъзоси қилиб сайланган мендек оддий меҳнаткашга ана шу расмиятчилик, бекорга куч-ғайрат сарфлаш, айниқса, яққол кўриниб турибди. Райком аппарати кўпгина масалаларни сайлаб қўйилган активлар билан маслаҳатлашмай кўпинча ўзи ҳал қилиб юбораверади. Ҳозир аҳвол ўзгармоқда. Биз пленумларга, бюро мажлисларига қўйиладиган масалаларни тайёрлашда қатнашяпмиз. Лекин райкомнинг иш услубида бир қолипдаги ишларга ҳамон барҳам берилмаган. Ҳозирча танқид, ўз-ўзини танқид суст кетмоқда.

Яқинда Нурота район партия комитетининг биринчи секретари М. Н. Қурбонова Навоий область партия комитетининг пленумида ҳисоб берди. Ҳисоботнинг мавзуи муҳим — райком қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш ишларига қандай раҳбарлик қилаётганлиги тўғрисида эди. Бу борадаги муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Лекин бизнинг партиявий раҳбаримиз ҳозирча жуда оз ютуқлар тўғрисида гапиришга берилиб кетиб, ана шу муаммоларнинг кўпларини четлаб ўтди. Унинг ҳисоботини муҳокама қилган пленум қатнашчилари шулар ҳақида кейин ҳаққоний гапларни айтдилар.

Бугунги кунда ҳар бир коммунист қилаётган ишига ҳушёрлик билан ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бермоғи лозим. Аксинча, биз яна кўпиртирма гапларга ғарқ бўлиб кетамиз. Қайта қуришга қуруқ сўз ва ваъдалар эмас, балки конкрет ишлар керак.

## Лилия ХАНЯКИНА,

**В. И. Ленин номидаги Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати 2-темир-бетон буюмлари заводининг кранчиси**

— Ҳозир мамлакатимизда амалга оширилаётган революцион ўзгаришлар жараёнидан ҳеч бир совет кишиси четда қололмайди, деган гапни тез-тез такрорлашади. Аммо мени ҳар бир кишининг фаоллик даражаси тўғрисидаги масала ғоятда ҳаяжонга солади. Ҳамиша пешқадам бўлишлари лозим бўлган коммунистларда ана шу фаоллик етарлича юксак даражадами, шуни ўйлайман.

Битта мисол келтирай. Комбинатда ёғочсозлик цехини реконструкция қилиш ишлари 12 йилга чўзилди. Пудратчилар ва ёрдамчи пудратчилар ўзгариб турдию, лекин объектда ўзгариш жуда оз бўлди. Маъмурият, мутахассислар тегишли даражада қатъият кўрсатмаганликлари бу аҳволнинг сабабларидан бири эди. Иш бундай давом этолмасди — замон энди бошқача. Шунда комбинатнинг коммунистлари, партия комитети ишга киришди. Принципиаллик билан ҳамма ишлар аниқланди, цехни техника жиҳатидан қайта жиҳозлашга алоқадор партия аъзоларига нисбатан қаттиқ талаблар қўйилди. Шу тариқа аҳвол бутунлай ўзгариб кетди. Шу йилнинг январидаёқ янги корхона ишга туширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида айтилганидек, партиявий раҳбарликнинг ленинча принципларига батамом қайтсак, партиянинг сиёсий авангард сифатидаги роли янада ортади, деб ўйлайман. Партия ташкилотлари, аввало, коммунистлар орқали ҳаракат қилиб одамлар билан ишлашлари, ҳар бир коллектив ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўла-тўкис бажаришига, ўзининг демократик ҳуқуқларини амалга оширишига эришишлари лозим.

Ўзим цех партия ташкилотининг секретариман. Лекин бу ишни ҳамиша ҳам бугунги кун талабларидек бажариб бўлмаяпти: ҳамиша вақт етишмайди. Биз учун бевосита партия ишлари билан шуғулланишга ҳафтасига ҳеч бўлмаганда 4 соатдан берилса, шундай бўлмасмиди. Хўжалик ҳисоби шароитида бу нарса, айниқса, муҳим. Секретарь иш «технологияси»нинг ўзи ҳам ўзгаришларга муҳтож. Биз қалин-қалин папкалар ва тўп-тўп дафтарлар тутишга мажбурмиз, бу эса баъзида кишининг калласини ғовлатиб юборади. Мана шу ортиқча қоғозбозликдан аллақачон қутулиш керак.

Яна битта таклиф бор. **Партия ташкилоти йиғадиган взнос пулининг маълум проценти ўз кассасида қолсин.** Кўргазмали агитация ишларига ҳам, энг яхши пропагандистларни рағбатлантиришга ҳам маблағ керак...

## Раҳима МИРЗАЕВА,

**Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхози бригада бошлиғи**

— КПСС Марказий Комитети Тезисларидаги бир бўлим халқ депутатлари Советларига бағишланган. Бу ердаги гаплар ҳаммаси менинг кўнглимга, айниқса, яқиндир. Мен — Сурхондарё область Советининг депутатиман. Одамлар бизни ҳокимият органларига ўз вакиллари қилиб юборишар экан, бизга катта умид боғлаб, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилишимизга, кўпгина ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этишда ёрдам беришимизга ишонадилар. Афсуски, биз бу умидларни ҳамиша ҳам оқлаётганимиз йўқ. Бунинг боиси истак-хоҳиш йўқлигида эмас, балки имкониятнинг йўқлигидадир.

Ўзим ҳақимда икки оғиз гапирмоқчиман. Мен пахтачилик бригадасининг бошлиғиман, иш ва ташвишларим оз эмас. Саккиз боланинг онасиман. Район партия комитетининг аъзоси ва цех партия ташкилотининг секретариман. Кўриниб турибдики, жамоатчилик топшириқлари ҳам етарли. Сайловчилар билан гаплашиш, уларнинг эҳтиёжларини билиш, сўз ва иш билан ёрдам беришга кўп вақт қолаётгани йўқ.

Шу боисдан ҳам Тезислардаги бир таклиф менга ниҳоятда ёқди. Депутатларнинг бир қисми сайлаб қўйилган муддати мобайнида ёки вақти-вақти билан хизмат вазифалари ва ишлаб чиқаришдаги юмушларидан озод қилиниб, Советлар, доимий комиссиялар, сайлов округларидаги иш билан банд бўладилар. Бундай тартиб депутатларнинг активлигини оширади, уларнинг халқ турмушининг барча жиҳатларига таъсирини кучайтиради, бунга ишончим комил.

Бу борада хотин-қизлар ўртасида олиб бориладиган иш тўғрисидаги масала мени, айниқса, ҳаяжонга солмоқда. Ўлкамизда бу масала ниҳоятда ўткир бўлиб турганлиги ҳаммага равшан. Кўпчилик аёллар, айниқса, қишлоқлардаги аёллар жамият ҳаётидан ажраб қолишган, улар оила юмушлари билан банд. Кўпинча оилада ҳам аҳвол чигаллашиб, баъзан фожеалар ҳам содир бўлиб турибди. Бу ҳақда энди очиқ гапирмоқдамиз, газеталарда ҳам ёзилмоқда. Худди ана шундай ҳолларда депутат аёллар ёрдамга келиши мумкин. Бундай хотин-қизлар эса кам эмас. Областимиздаги маҳаллий Советларда 3378 аёл бор. Бу, Советлардаги депутатларнинг қарийб ярми демакдир. Бу катта кучдир. Энди гап ундан тўлароқ фойдаланишда қолган.

**Бир таклиф айтмоқчиман: Ўзбекистон сингари республикаларда район партия комитетларида хотин-қизлар бўлимлари очиш лозим.** Илгари бундай бўлимлар бўлган эди. Улар катта, ниҳоятда муҳим иш билан шуғулланган эдилар.

## Рўзбой СУЛАЙМОНОВ,

**«Наманганводстрой» трестига қарашли Попдаги кўчма механизациялашган колонна экскаватор машинисти**

— Йигирманчи йилларнинг охиридан бошлаб раҳбариятда таркиб топган яроқсиз методлар тўғрисида энди партиямиз рўй-рост ва дадил гапирмоқда. Бу адолатлидир, партиямиздагина эмас, балки бутун жамиятимизда ҳам чинакам ленинча, социалистик ҳаёт нормалари тўла ғалаба қилиши учун бу зарурдир.

Республикамизда раҳбарлик лавозимларини эгаллаб, қўлида партия билети бўла туриб, жиноят қилган кишилардан, бошқа кўпчилик коммунистлар сингари, мен ҳам ғазабланаман ва буни ор деб биламан. Аммо ҳозир ҳам партия аъзолари орасида афсуски, коммунист деган юксак номга доғ тушираётган кишилар бор. Бундай одамларга партия билети кўзга «ярқ этиб» туриш, раҳбарлик курсисини қўлдан бой бермаслик учун керак эди, холос. Худди ана шу кимсалар қайта қуриш душманларидир ва улар қайта қуриш йўлига ғов солмоқдалар. **Коммунистнинг ҳалол, покиза қиёфаси учун бошланган курашни кенг миқёсда, қатъият билан олиб бориш, партияни зарарли унсурлардан муросасизлик билан тозалаш керак.**

Эҳтимолки, баъзи бировлар, эндиликда партияда ортиқча киши эканликларини англаб олгандирлар, баъзи бировлар эса қилмишлари ошкор бўлиб қолишини кутиб ўтирмасдан ноқобилликларига тан беришар? Шу муносабат билан **мен бир таклиф айтмоқчиман. Партия Уставига коммунистларнинг партия сафидан ўз ихтиёри билан чиқиш ҳуқуқи тўғрисида модда киритилиши лозим.**

## Владимир МОНАЕНКО,

**«Фергананефтеоргсинтез» бирлашмасининг катта оператори**

— Партия комитетининг аъзоси ва цех партия ташкилоти секретари сифатида мени ҳам сафларимизнинг софлиги, ким коммунист бўлаётгани тўғрисидаги масала ҳаяжонга солиб турибди. Ташкилотимизда партияга кириш учун номзодлар резерви йўқ. Шу боисдан ҳам катта-кичик мажлисларда бизни танқид қилиб туришибди. Ҳамма ерда партиявий ишнинг барча шакл ва услублари бир хил бўлиши керак, деб ким қаерда айтган, ахир? Нима учун биз, албатта, «ҳаммага» ўхшашимиз керак?

Сунъий резервлар партия сафларининг софлигини сақлашимизга дурустроқ ёрдам бера олмайди. Менинг шахсий фикрим ана шундай. Партияга киришга тайёргарлик кўраётган одамларнинг сони кетидан қувиб, биз кўп нарсаларни назар-эътиборимиздан қочириб қўйишимиз мумкин. Ҳамонки, одамнинг ўзи хоҳламаётган экан, бирон-бир назарий машғулотлар билан унинг маънавий камол топиш жараёнини тезлаштириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз ўз сафларимизни ниҳоятда онгли ходимларнинг жилғадек табиий оқиб кириши эвазига тўлдириб бораверишимиз керак. Қайта қуриш чоғида коммунистлар билан биргаликда олдинги маррада бўлиш истаги партияга қабул тўғрисида берилган аризадагина эмас, одамнинг қалбида ҳам ниш уриши керак.

Тавсия бераётган коммунистнинг масъулиятини ҳам иложи борича оширишимиз лозим. Шу муносабат билан айтадиган таклифим бор: **ҳозир лозим бўлган уч тавсия қаторига яна меҳнат коллективи берадиган тавсияни ҳам қўшиш даркор. Партияга одамлар ишончини қозонган кишиларнигина қабул қилиш керак.**

Мен партия конференцияси муҳокамасига яна бир масалани, албатта, ҳавола этган бўлур эдим. Бу ўринда гап партия профессионал ходимларининг масъулияти ҳақида бормоқда. Кокс қурилмасидаги бизнинг цех партия ташкилотимизга узоқ йиллардан буён Фарғона шаҳар комитетининг секретарлари ёки инструкторлари бирон марта ҳам келишгани йўқ, область партия комитети ходимлари ҳақида гапирмай ҳам қўя қолай. **Партия органлари ходимларининг бошланғич партия ташкилотларида мунтазам ҳисоботини муқаррар қонун қилиб қўйишни тавсия этаман.** Бу уларга ҳам, барча коммунистларга ҳам фойдали бўлади, деб ўйлайман.

## Фотимахон ИСРОИЛОВА,

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Андижон областидаги Партия XX съезди номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи**

— Сўнгги уч йил ичида район партия ташкилоти ҳаётида катта ўзгаришлар рўй берди. Район партия комитетининг пленумларида, конференцияларда, партия хўжалик активлари йиғилишларида оддий коммунистлар тобора дадилроқ гапирмоқдалар. Тўғри, бу гап ҳаммага ҳам тааллуқли эмас. Афсуски, кўплар ҳали ҳам залда сукут сақлаб, залдан чиққандан кейин «тилга кирадилар». «Мажлисда нега индамай ўтирдингиз?» — деган пайтларим ҳам бўлган. Уялдим дейишади. Ишончим комилки бундай индамаслар сафимизда бўлмаслиги керак.

Яна бир гап бор. Сайлаб қўйиладиган партия органлари аъзоларининг шу органлар ишида шахсий иштирокини активлаштириш ҳуқуқ ва бурчларни аниқроқ белгилаб олишни талаб этади. Ҳозирча эса партия комитетлари аъзолари ва аъзоликка кандидатлар ўртасидаги фарқ йўқ ҳисоб. Ҳозир биз ҳаммамиз партия комитетларининг ишида қатнашиб, сўзга чиқмоқдамиз, муайян масалаларни тайёрламоқдамиз. Ана шу тоифалардаги активлар ўртасидаги фарқ фақат овоз беришдагина кўринади. Назаримда, бундай аҳвол шунинг учун таркиб топдики, бу масала хусусида тартибга солиб турувчи партия ҳужжатлари йўқ. Шунинг учун ҳам сайлаб қўйиладиган **партия комитетлари органлари аъзоларининг статуси тўғрисида Низом ишлаб чиқилишини** таклиф этаман.

Сўнгги, яна бир масала бор. Қайта қуриш муқаррар бўлмоғи учун бунга барча коммунистлар бош қўшишлари керак. Қайта қуриш йўлида ким ва қандай ишлаётганлигини билиш учун **коммунистларнинг бошланғич партия ташкилотлари олдидаги ҳисоботларини кенгроқ қўлланиш зарур.** Коммунистнинг партиядош ўртоқлари унинг фаолиятига баҳо беришсин. Чунки, коммунист улар кўз ўнгида ишламоқда.

## Фарҳод АҲМЕДОВ,

**Когон локомотив депосининг тепловоз машинисти**

— Областимизда Когон шаҳри бор, бу ерда нефть ва газ саноатининг анчагина йирик қурилиш-монтаж ташкилотлари, катта темир йўл узели, бир қанча завод ва фабрикалар, ун комбинати, графит-гипс комбинати бор. Когон районида бор-йўғи бештагина колхоз ва совхоз бор. Аммо бу ерда ҳамма ишга район партия комитети бош-қош, лекин у асосан қишлоқ хўжалик масалалари билан шуғулланади. Буни батамом нотўғри деб ҳисоблайман. Эҳтимол бу ерда шаҳар партия комитетини тузиш учун шаҳарда коммунистлар сони етарли бўлмаса керак, аммо **назаримда, бундай ҳолларда, партия Устави пухта бўлиши керак.** Ҳозирча эса саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари билан аслида шаҳар ижроия комитети ва район партия комитетининг бўлимлари шуғулланмоқдалар, бир-бирларининг ишларини такрорлаб, бир-бирларига халал бермоқдалар. **Тармоқ бўлимларини тарқатиб юбориш, лозим деб ҳисоблайман.**

Яна бир масала бор. Тезисларда коммунистларнинг ижтимоий-сиёсий аттестациясини ўтказиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида гапирилади. Бу маъқул. Аммо аттестация комиссиялари аъзоларини коммунистларнинг ўзлари сайлашлари керак. Бунга кўп нарса боғлиқдир.

«Район ва шаҳар комитетларидан бошлаб барча партия комитетлари учун ваколатларнинг бир хил муддати — беш йил қилиб тайинлансин. Бунда КПССдаги сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш кетма-кет иккита сайлов муддати билан чекланиб қўйилиши лозим», дейилади КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида. **Мен меҳнаткашлар ҳурматига сазовор бўлган тажрибали, принципиал раҳбарлар учун муддатни чеклаб қўймасликни таклиф этаман.** Ҳа, кадрларни муттасил янгилаб бориш керак. Аммо ветеранлар тажрибаси партия ташкилотининг ёш раҳбарларига асқотган бўлур эди.

## Тўра РАҲИМОВ,

**Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони**

— Бригадамиз базасида илғор тажриба мактаби ташкил этилган. Район партия комитетининг биринчи секретари Б. Жуманиёзов, район ижроия комитетининг раиси А. Ҳакимов, райкомнинг бюро аъзолари тез-тез келиб туришади. Ҳар келишганида бригадага топшириқ устига топшириқ беришади. Баъзилари ғўза парваришидаги фалон агротехника ишини тезроқ бошланг, дейишади. Бошқаси келиб, суғоришга шошмай туринг, деб маслаҳат беради. Шундан кейин келган меҳмон эса бутунлай бошқа тавсияни айтади. Танг қоладиган ери шундаки, ишни деҳқондан кўра яхшироқ биламиз, деб ўйлашади. 40 йилдан бери чигит экаман. Қанчадан-қанча қийинчиликларни кўрдим, яхши кунлар ҳам кам бўлгани йўқ. Райкомнинг номенклатурасидаги ходимлар бераётган ножўя маслаҳатлар ишга халал бермоқда. Баъзида колхозчига жуда кор қилиб кетади. Аслида, вакиллардан бирортаси ҳам, жумладан, партия раҳбарлари ҳам меҳнатимизнинг пировард натижаси учун жавоб бермайди-ку! Ҳали ҳозиргача раҳбарлардан бирортаси ўз кўрсатмаларининг бажарилишини назорат қилганини сезганим йўқ.

Агар менга Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси минбаридан сўзлашни таклиф этишадиган бўлса, кўпчилик партия раҳбарларида сўз билан иш ўртасида тафовут борлигини, албатта, айтган бўлур эдим. **Билимдонлик билан қарорлар қабул қилиш ва унинг учун жавобгарлик раҳбарнинг ишида биринчи ўринда туриши керак.**

## Фарҳод СОЙИБОВ,

**Навоий областидаги кон бошқармасининг катта мастери**

— Мени кадрлар масаласи ҳаяжонга солиб турибди. Қайта қуришнинг муваффақияти, ахир, асосан шунга боғлиқ-ку. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ҳам шу ҳақда гапирилади. Кўпинча ана шу «нозик масала»нинг ҳал этилишига «номенклатура» сўзи халал беради. Ношуд раҳбарнинг юзига бор гапни шартта-шартта айтиш лозим бўлганида, баъзан эса уни лавозимидан олиб ташлаш керак бўлиб қолганида, бу одам бизнинг номенклатурамизга кирмайди, деб қўйишади.

Энди раҳбарларнинг сайлаб қўйилиши тўғрисида гапирмоқчиман. Ҳозирча бизда бригадирлар, цех бошлиқлари сайланмоқда. Областимизда демократик йўл билан иккита-учта номзод кўрсатилиб, район, шаҳар партия комитетларининг секретарлари сайланганлигини кўрганим йўқ. Ошкоралик, демократия етишмаяпти. **Шаҳар партия комитети нима иш қилаётганлигини оддий одамлар кўпинча билишмайди, шу боисдан ҳам ҳар хил миш-мишлар, фисқи-фасодлар тарқалади. Партия органларига ошкоралик етишмай турибди.** Область партия комитети биносига кираверишда милиционер туради. Хўш, партия ходимларини кимдан — халқдан муҳофаза қилишаяптими?

Хўжакўрсинчилик ҳақида ҳам гапирмоқчи эдим. Шу иллатдан қутилмадик, қутилмадик-да. Айтайлик, министрликдан кимдир келаяпти. Бошлиқлар ишчиларни ҳовли тозалашга сафарбар этишади. Бунинг устига, мактаб ўқувчилари ҳам ҳашарга чиқишади. Майдонларни тозалаш, биноларни оқлаш ва бўяш ишларига тушиб кетамиз. Фақат амалдорлар келадиган бўлиб қолса, тартиб бўлиши лозим эканда?

## Абдурашид МЕЛИЕВ,

**Самарқанд лифтсозлик заводининг ишчиси**

— Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларда партияга қабул чоғида ҳар бир одамга ниҳоятда диққат-эътибор билан ёндашиш лозимлиги тўғри қайд этилган. Бу ҳақда илгари ҳам гапирилар эди. Аммо шунга қарамасдан сафларимизга амалпарастлар, қаллоблар кириб қолаверди, бепарво, бўшанг одамлар ҳам йўқ эмас. Шу ҳақда ўйлаб, партиядош ўртоқларим билан маслаҳатлашиб, фирибгарлар йўлига ғов солмабмиз, деган хулосага келдим. Ёқубов деган бир кимса КПСС сафига қандай кириб қолди, қайси йўллар билан заводимизга директор бўлди-ю, ҳаш-паш дегунча ишлаб чиқаришни барбод этди, бу саволларга ким жавоб беради? Материалларни ҳам, квартираларни ҳам ўнг-сўлига қарамай, ўзбошимчалик билан тарқатиб юбораверса-ю уни на область партия комитети, на шаҳар партия комитети терғаб қўймаса? Нега энди ҳеч ким завод коммунистлари, бутун меҳнат коллективининг фикрига қулоқ солмади? Ниҳоят, ёмон раҳбарнинг баҳридан ўтишди ва унинг ўрнига янги раҳбар тайинлашга мажбур бўлишди. Лекин шундан кейин корхона нене азоблар билан қолоқликка барҳам берди.

Шундай бўлган эди. Бироқ кўпгина салбий ҳодисалар ҳозир ҳам учраб турибди. Масалан, меҳнат коллективининг эҳтиёжларига ҳали ҳам эътиборсизлик билан қаралмоқда. Биз ишчилар номидан Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигига хат юбориб, ўн йилдан буён битмаётган янги цехлар қурилишини жадаллаштириш лозимлигини батафсил тушунтириб берган эдик. Ахир, биз давлат программасига кўра, шу йилнинг тўртинчи кварталида янги лифтлар тайёрлашни бошлашимиз керак-ку! Аммо, жавоб олганимиз йўқ. Ишчиларни область газетаси ва ТАСС қўллаб-қувватлади. Аммо матбуот танқидига жавоб олингани йўқ. Ахир, министрликда ҳам СССР Конституцияси доирасида ҳаракат қилиб, мамлакат қонунларини бажарадиган танқидга жавоб берадиган коммунистлар ишлаши керак-ку!

Шу сабабли мен партияга қабул қилиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга шошилмасликни таклиф этаман. Аввалига бўлажак кандидатнинг аҳлоқий ва ишчанлик фазилатларини синчиклаб ўрганиш, уни амалий топшириқлар бериб синаб кўриш керак. Аммо бу ҳам кифоя эмас. **Партияга кирувчилар меҳнат коллективи кенгашидан тўртинчи тавсияномага ҳам эга бўлишлари керак, деган таклифни тўла-тўкис ва батамом қўллаб-қувватлайман.**

Яна бир гап. Партия йиғилишларида, пленумларда, маҳаллий Советларнинг сессияларида президиумга асосан сайлаб қўйиладиган органларнинг барча раҳбарлари, албатта, сайланишади. Агар президиумда партия комитетининг оддий аъзолари ёки депутатлар кўпчиликни ташкил этган тақдирда демократия ҳам кўпроқ бўлур эди, деб ўйлайман.

Мунозаралар маданиятини ошириш тўғрисида жуда тўғри таклиф этилмоқда, аммо ҳозирча бу фақат эзгу истак бўлиб қолмоқда. Ҳозир ҳамма жойларда минбарларга чиқиб олишиб, ҳеч кимга керак бўлмаган ҳисоботларни қоғозга қараб ўқиб беришади. Бундай нотиқларни рад этиш пайти келди. Агар таклифинг бўлмаса, ўз фикринг бўлмаса сўзга ҳам чиқмай қўя қолиш керак.

## Галина МОРОЗОВА,

**Тошкент область Ғалаба районидаги «Сергели» саноат комплексининг оператори**

— Конференцияда коммунистларни аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги масала муҳокама қилиниши ҳаммамизни қувонтирмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларида рўй-рост айтилганки, коммунистларнинг ишини очиқ йиғилишларда муҳокама қилиш уларнинг активлигини кучайтиришга, қайта қуриш ишига қўшадиган шахсий ҳиссасини оширишга хизмат қилади.

Билишимча, ички партиявий ишнинг янги формаси сифатида аттестация мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам эътироф этилди. Белоруссияда аттестация бироз бошқача формада ўтказила бошлади. Шу йилнинг бошида бюронинг қайта қуришга раҳбарлиги тўғрисидаги ҳисоботини тинглаган Бошқирдистон область партия комитетининг пленумида аттестацияни ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги масала кўтарилди. Қайта қуриш давомида юзага келадиган барча яхши нарсалар бутун партиянинг, бутун мамлакатнинг бойлиги бўлиб қолиши керак.

## Хулоса ўрнида

**КПСС Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига Тезисларини муҳокама қилиш тобора ўткир, тобора қизғин тус олмоқда. Бутун мамлакатдаги миллионлаб кишилар ана шу муҳокамага қўшилмоқдалар. Мунозаралар, баҳсларда (эътироф этиш керакки, кўпчилик буни унутиб ҳам қўйганди) янги-янги ечимлар юзага келмоқда, ҳар бир кишининг қайта қуришдаги позицияси аниқланмоқда.**

**Ҳозир партия конференциясининг делегатлари меҳнат коллективлари билан учрашмоқдалар, коммунистлар ва партиясизларнинг наказларини олмоқдалар, платформани биргаликда белгиламоқдалар. Москвадаги анжуманда ана шу платформага асосланиб иш тутадилар. Кенг демократия ва ошкоралик, умумий ташаббус ва фаоллик шунинг гарантияси бўлиб хизмат қиладики, бугун киритилган таклифларнинг ҳаммаси бизнинг бундан буёнги турмушимиз ва келгусидаги тараққиётимизнинг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш чоғида эътиборга олинади.**

**ЎЗБЕКИСТОНДАН ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ДЕЛЕГАТЛАРИНИНГ БУГУН БОШЛАНГАН СИРТҚИ ЙИҒИЛИШИ ЭСА ТУГАМАЙДИ. АЙТАДИГАН ДИЛ СЎЗИ БЎЛГАН, МУҲОКАМА УЧУН БИРОН НАРСАНИ ТАКЛИФ ЭТА ОЛАДИГАН ҲАР БИР КИШИГА РЕСПУБЛИКА МАТБУОТИ ЎЗ САҲИФАЛАРИДАН БАЖОНИДИЛ ЖОЙ БЕРАДИ. ШУ БОИСДАН ЙИҒИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА. КИМ СЎЗГА ЧИҚМОҚЧИ!..**

(ЎзТАГ).






Олимжон Эргашев 15 йилдирки Жиззах районидаги Ҳамид Олимжон номли совхозда товуқбоқар. У бошлиқ оилавий звено Бутуниттифоқ XIX партия конференциясига муносиб тўёна ҳозирлади: олти ойлик план орттириб уддаланди. Давлатга 68 минг — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16 минг дона кўп тухум топширилди.

СУРАТЛАРДА: 1. Оилавий звено бошлиғи, меҳнат ветерани Олимжон Эргашев. 2. Звенонинг энг ёш аъзоси Назокат Эргашева. 3. Илғор товуқбоқар Хадича Эргашева.

Ш. ТЎРАЕВ фотолари.



## СОДДА ВА ПУХТА

Сирдарё областидаги Ғафур Ғулом номли совхоз мироблари ихтиёрига берилган янги прибор содда тузилган бўлиб, пухта ишлайди. У сув сарфининг индикатори бўлиб, оқаётган сув сарфини ғоят аниқ белгилашга имкон беради.

САНИИРИ илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ясалган бу приборнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Индикатор ихчам ва енгил бўлганлиги туфайли уни даланинг бир участкасидан иккинчи участкасига тезда олиб бориш мумкин бўлади, конструкциясининг универсаллиги эса ҳар хил диаметрли зовур қувурлардан қанча сув оқишини ўлчашда ҳам фойдаланишга имкон беради.

Ҳозир Бекобод районининг хўжаликларида ҳам шундай приборлар ўрнатилмоқда, бу жойларда сувдан ҳақ тўлаб фойдаланишга доир тажриба ўтказилмоқда. Яқин келажакда республиканинг ҳамма хўжаликларини индикаторлар билан таъминлаш мўлжалланмоқда.

# ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУЙЧИСИ

А. А. Фадеев номидаги Адабиётчилар Марказий уйида бўлган москваликлар атоқли ўзбек совет ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор хотирасини ҳурмат билан эсладилар. Бу ерда ажойиб сўз устаси туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. И. Суровцев кечани очиб, Абдулла Қаҳҳор кўп миллатли совет прозаси ва драматургиясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшганлигини таъкидлади. Ёзувчининг ҳаёти мамлакатимиз тарихидаги машаққатли даврга тўғри келди ва санъаткор ўз истеъдодининг кучи билан даврнинг муаммоларини ҳалол ва принципиал равишда очиб берди. А. Қаҳҳор ўзбек халқини қардош адабиётларнинг энг яхши асарларидан баҳраманд этиш борасида кўп иш қилди, республиканинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов Абдулла Қаҳҳор тўғрисида гапирди. У А. Қаҳҳор ўз ижоди билан инсонпарварлик ғояларини, ҳақиқат ва социал адолат тантанасини қарор топтирганлигини айтди. Адиб ҳамиша социализмни ҳақиқий ленинча тушунгани ҳолда унинг учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлди.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийдан кейин 20-йилларда адабиётга кириб келган Қаҳҳор ўзининг сафдошлари Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжонлар билан бирга Ленин байроғи, буюк Октябрь байроғи остида янги ҳаёт қуришда фаол қатнашди ҳамда ўтмиш саркитларига қарши аёвсиз тирос билан курашди.

Қаҳҳорнинг биринчи «Сароб» романи ўзбек прозасининг энг яхши асарларидан бири бўлиб қолди. Ёш ёзувчи ўз қаҳрамонларининг ички дунёсига чуқур кира билди, уларнинг жуда мураккаб кечинмаларини ишонарли таҳлил эта билди. Романнинг асил халқчил, сермазмун, образли, муқаррар ички гўзалликка эга бўлган тили алоҳида мақтовга лойиқдир.

Муҳтасарлик, асарни драматик равишда қура билиш маҳорати, қаҳрамонларнинг характерларини уларнинг сўзларига қараб эмас, балки уларнинг хатти-ҳаракатлари негизида тузиш салоҳияти ва ниҳоят замоннинг социал бўуртмаси Қаҳҳорни драматургияга, театрга етаклаб келди. Унинг Мирзачўл чўлқуварлари ҳаётига бағишланган биринчи «Шоҳи сўзана» («Янги ер») комедиясининг ўзиёқ томошабинлар орасида зўр қизиқиш уйғотди. Бу комедия давлат мукофотига сазовор бўлди ва мамлакатнинг 73 та театри саҳнасида, баъзи чет мамлакатларда қўйилди.

Ёзувчи «Олтин Юлдуз» ва «Дардақдан чиққан қаҳрамон» каби қиссаларида Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Аҳмаджон Шукуров билан Кўчқор Турдиевнинг жангдаги жасоратларини бадиий ифодалаб берган.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг буюк устозлари Горький, Толстой, Чехов ижодларидан олган бош сабоғига — адабиёт аввало инсоншунослик эканлигига тўғрисидаги сабоққа ҳамиша амал қилди. Ҳа, бу ҳақиқатни ҳеч қачон ва ҳеч ким ошкора рад этолмаган. Лекин шахсга сиғиниш ва турғунлик даврида адабиёт эришган муваффақиятларимизнинг тасвири бўлиши керак, у эришган ғалабаларимизга ҳамду саноларнга ўқиши керак, деб талаб қила бошлашди.

Оғмачиликка берилмаган ёзувчилар орасида Абдулла Қаҳҳор ҳам бор эди. У ҳамон воқелигимизнинг турли жиҳатларини тадқиқ эта берди. Унинг «Қўшчинор» романи шу таҳлитда пайдо бўлди. Романда ёзувчи инсоннинг камол топишини босқичларини пухта ифодалаб чиқди.

Роман, эҳтимол бадиий жиҳатдан айрим камчиликлардан ҳоли бўлмагандир. Лекин 1946 йил эди. Роман китоб бўлиб чиқар-чиқмас унга танқид ўти ёғилди. Романга қарши қўйилган асосий айб сиёсий тусда бўлиб, автор коллективлаштириш жараёнига ҳамроҳ синфий курашни кўрсатмаган, бинобарин роман ғоявий жиҳатдан зарарли деган гаплардан иборат бўлди. «Культура и жизнь» газетасида Ш. Рашидов билан И. Султоновнинг «Воқеликни бузиб кўрсатувчи роман» деган сарлавҳа остида дағдағали мақоласи пайдо бўлди.

Шуни айтиш муҳимки, Абдулла Қаҳҳор умрининг энг қийин пайтларида ҳам руҳини туширмай, кизғин ишлайверди ва янги-янги ижодий чўққиларга чиқаверди. Унга хўжакўрсинга эмас, ҳақиқий партиявий принцип хос эди.

Айни шунинг учун ҳам у «рашидовчилик» деган ном олган салбий ҳолга қарши хилма-хил принципиал кураш олиб борди. Унинг «Тобутдан товуш» деган сатирик комедияси шундан далолат беради. Абдулла Қаҳҳор бу комедияда порахўрлик ва мансаб жиноятларини 1963 йилдаёқ фош этган ва маънавий айниш диний хурофотлар авж олишига кўмак беришини яққол кўрсатиб берганди. Ўшанда А. Қаҳҳорнинг сатираси турғунлик даври раҳбарларининг иззатнафсига тегиб кетганди ва комедия саҳнадан олиб ташланган эди. Орадан йигирма йилдан кўп вақт ўтгач, адолат тикланди. Бугунги кунда ўша спектакль янги ташкил этилган ва ҳозир Абдулла Қаҳҳор номи билан аталган республика сатира театрининг саҳнасида ўткир замонавий спектакль сифатида зўр муваффақият билан қўйилмоқда.

1959 йилда ёзилган «Синчалак» қиссаси Қаҳҳорнинг энг катта асарларидан бири бўлди. Бу қисса жуда кенг ёйилди — у мамлакатимизнинг қарийб ҳамма қардош республикаларида ва баъзи чет мамлакатларда нашр этилди. Қисса сўз санъаткорининг етуклигини кўрсатади.

Автор ўша пайтдаёқ хўжалик ишларига раҳбарликдаги ношудликнинг, экономикани бошқаришдаги маъмурий командалик методининг бутун зарарини ва бу эса пировард натижада инсонни менсимасликка олиб келишини кўрсатиб бера олганди. «Синчалак» қиссаси муносабати билан Константин Симонов ҳамда Абдулла Қаҳҳордек икки атоқли адибнинг дўстлиги ҳақида алоҳида гапириб ўтиш керак. Маълумки, Константин Симонов «Синчалак»нинг таржимони бўлган. У қиссани жуда яхши таржима қилиб, унинг бутун бадиий бойлигини рус китобхонига аваайлаб етказа билган.

Абдулла Қаҳҳор ёзувчи сифатида халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш учун кўп иш қилди. У ўз халқининг маънавий равнақи Совет тузумининг интернационализми билан, қардош республикалар маданиятларининг бир-бирини ўзаро бойитиш жараёни билан, аввало рус классик адабиёти ва совет адабиётини ўзлаштириш билан чамбарчас боғланганлигига ишонарди. У Гоголь, Горький, Чехов, Толстойҳ асарларини кўп таржима қилган ва тарғиб этган эди.

Ўзбекистонда ёзувчининг 80 йиллик юбилейи кенг кўламда нишонланди. Қаҳҳорнинг ўзбек тилида беш томлик асарлар тўплами, рус тилидаги асарлари нашр этилди, «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» деган катта китоб босмадан чиқарилди; театр, кўчалар ва мактаблар унинг номига қўйилди. Буларнинг ҳаммаси биз-нинг Абдулла Қаҳҳорга халқ меҳри нақадар кучли эканлигининг, адиб ижодининг аҳамияти нақадар катта эканлигининг, китобларидаги донолик нақадар буюклигининг ёрқин далили бўлиб қолди, деди пировардида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари.

Кечада қардош республикалар адабиётларининг вакиллари А. Қаҳҳор ижодининг беқиёс аҳамияти, унинг самарали ижтимоий фаолияти тўғрисида гапирдилар.

Кеча Ўзбекистон санъат усталарининг катта концерти билан тугади.

(ЎзТАГ

# БУРЧМУЛЛА ЁШЛАРИ ОРЗУСИ

Турмуш маданияти

Вазият тақозосини қарангки, бошқа-бошқа одамлар қўли билан ва турли пайтда ёзилган ҳамда ҳар хил келишмовчиликлар асос қилиб олинган бу хатлар аслида бир нарса ҳақида эди. У ҳам бўлса, Бўстонлиқ районидаги Бурчмулла қишлоғида яшовчи ёшларнинг дам олишларини уюштиришдаги муаммоларга бориб тақаларди.

Бурчмулла... Бу ном фақат Тошкент области аҳолисигагина таниш бўлмай, олис-олисларда ҳам уни яхши билишади. Кўпчилик шоҳарликлар ёз жазирамасида ана шу сўлим қишлоқнинг соя-салқин жойларида: тоғ жилғалари бўйларида, ямяшил ўрмон қўйнида бир-икки ҳафта мириқиб дам олишни, ҳордиқ чиқаришни орзу қилишади.

Бурчмулла — фақат дам олиш зонасигина эмас. Унда «Чорвоқ» совхози, ўрмон хўжалиги, «Стройрембит» бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ишчи-хизматчиларининг доимий истиқомат жойи. Бу ерда қурувчилар, шоферлар, ғаллакорлар, асаларичилар яшашади. Врачлар, маҳаллий мактабларнинг ўқитувчилари, болалар боғчаларининг тарбиячилари ва ҳоказолардан иборат зиёлиларнинг катта отряди ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Қишлоқ аҳолисининг бир ярим мингга яқини 16—30 ёшда. Редакцияга ёзилган арзнома остига уларнинг кўпчилиги қўл қўйган.

Хўш, Бурчмулла ёшлари нимадан шикоят қилишаяпти? Ўз-ўзидан равшанки, табиатдан эмас. Ваҳоланки, кўпчилик фикрига қараганда бу соҳа ҳам ҳимояга муҳтож. Бироқ бу — алоҳида суҳбат мавзуи. Редакцияга келган хатда эса муҳим муаммо — қишлоқ турмуш маданиятини пастлигидан арз қилинган. Эслатиб ўтамиз: қишлоқлар, колхоз ва совхозлар турмуш маданиятига тааллуқли хатлар редакция почтасида тез-тез учраб туради. Одатда уларнинг муаллифлари: «Бизда у йўқ, буни қилиб беришмаяпти» қабилида нолишади. Ўзгалар қарамоғида бўлиш кайфияти яққол сезилади. Бу хат эса, шу жиҳати билан эътиборга сазоворки, унда бундай руҳ асло йўқ. Муаллифлар (улар орасида жангчи-интернационалистлар ҳам оз эмас) четдан кузатувчи бўлиб туришмаган. Мактубларда илгари сурилган асосий фикр бундай: рухсат этсангиз, қўмаклашиб юборсангиз бўлгани, қолганини ўзимиз қиламиз, деган илтимос бор, холос.

Ёшлар нимага талпинишаяпти?

Илгари «Чорвоқ» совхозининг марказий қўрғони жойлашган Бурчмуллада икки қаватли бино қирқ-эллик йил мобайнида биринчи бўлим идораси вазифасини ўтаб келди. Вақт уни ҳам аяб ўтирмади — анча эскирди, шунга қарамай ҳамон хизматдан қолгани йўқ. Кексалар яхши эслашади: биринчи қаватдан ҳамиша омбор ўрнида фойдаланиларди, иккинчи қаватда эса чўт қоқилар, ёзув машинкалари шақиллар, ўқтин-ўқтин телефон овози эшитилиб турарди. Бироқ совхоз маркази Бурчмулладан беш чақиримнаридаги Янкатут қишлоғига кўчирилгач, бу идорага ҳожат қолмади. Шунда «Стройрембит» бошқармаси қурувчиси Ш. Ҳасанов бошчилигидаги ёшлар... қишлоқ Совети раиси Ориповга мурожаат этиб, эски идорани ёшлар марказига айлантириш учун қарор чиқариб беришни сўрашди. Ташаббускорлар борди-ю материалларидан ёрдам кўрсатилгудек бўлса, бинони ўзлари реконструкция қилишлари мумкинлигини ҳам билдиришди. Чамаси, ариза ўз адресини топмаган эди. Орипов йигитларни совхоз директори Э. Тўйчиев олдига юборди. У ерда «бино эски, фойдаланишга яроқсиз» деган баҳона билан рад жавобини беришди.

Ёшлар район партия комитетининг биринчи секретари Д. Д. Турдиалиевга мактуб йўллашганида ундан кўп умидвор бўлишган. Хатда Бурчмулла ёшларининг бўш вақтини уюштириш масаласини тезда ҳал этиш, дам олиш жойини марказлаштириш зарурлиги, нега деганда йигит ва қизлар ҳозир гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетишаётгани, ким қаерда ҳордиқ чиқараётгани, нима билан шуғулланаётганини назорат қилиш мумкин бўлмай қолганини очиқ-ойдин ёзишганди.

Район партия комитетидан хат «Ўрганилсин, чора кўрилсин» деган мазмундаги резолюция билан район комсомол комитетига келиб тушди. У ердан эса аризачиларга қуйидаги мазмунда расмий жавоб берилди:

«Чорвоқ» совхози биринчи бўлимининг идораси жойлашган бино эски ва фойдаланишга яроқсиз бўлгани учун директор уни ёшлар клубига беришдан бош тортмоқда».

Шундан сўнг ёшларнинг дам олиши учун қандай бинолар борлиги, яна нималар қурилажаги санаб ўтилган эди.

«1989 йилда Янкатут посёлкасида «Чорвоқ» совхози 500 ўринли клуб қуришга киришади, «Самородок» пансионати Бурчмулла посёлкасида 300 ўринли клуб қурилишини бошлаб юборди. Бурчмулла посёлкасида спорт майдончаси бор, март ойида ўша ерда ёшлар шанбалиги ўтказилиб, уни кенгайтирилади ва ободонлаштирилади.

«Чорвоқ» совхозида вокал-чолғу ансамбли ишлаб турибди».

Хатни текшириш жараёнида ўртоқ Ш. Ҳасанов ва совхознинг комсомол активи билан учрашдик. Суҳбатимиз ёшларнинг бўш вақтини уюштириш мавзуида бўлди.

Район комсомол комитетининг секретари С. Димурин имзо чеккан хат қизиқиш уйғотди. У ҳозир таомилда бўлмаган, аммо баъзилар ҳамон воз кечиша олмаётган эскича услубда ёзилган эди.

Бурчмулла социал маданий-маиший объектларга бойлиги, улар бундан кейин янада кўплаб қурилиши ҳақидаги қатъий ишонтиришга келганда шуни айтиш керакки, бу хат ё лақмаларга, ё бўлмаса умуман посёлкада яшамайдиган кишиларга қаратилган, деб баҳолаш мумкин. Лоақал «Чорвоқ» совхози 1989 йилда Янкатутда қуришга киришадиган 500 ўринли клубни олиб кўрайлик. Бу ахборотни ёшлар илтимосига жавоб сифатида қабул қилиш мумкинми? Ўйлаймизки, йўқ. Отилмаган айиқнинг терисини ҳатто ўзига қаттиқ ишонган овчи ҳам шерикчилик учун бўлмайди. Агар қурилиш чиндан ҳам белгиланган муддатда бошланган тақдирда у Янкатутда, яъни Бурчмулладан беш чақирим нарида қад кўтаради. Масала бевосита Бурчмуллада ёшлар марказини ташкил этиш ҳақида бормоқда. Бу ҳақда хатда очиқ ёзилган эди. «Самородок» пансионати қураётган клуб ҳам маҳаллий ёшлар ҳаётини мароқли қилишга қодир эмас. Чунки аввало у пансионатники, демак, бу ерда ветераплар билан учрашувлар уюштириш, самимий суҳбатлар ва чойхўрлик қилиш, бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш имкони йўқ. Ён-атрофнинг кўча-кўйда, хилват жойларда санқиб юришларига барҳам бериш уларнинг бирдан-бир муддаосидир. Совхоз идораси хусусида узилкесил рад жавоби олинганидан кейин ёшлар Ориповнинг олдига янги гоя билан бордилар. Орамизда турли касбдаги қурувчилар кўп, ўзимиз клуб қуриб оламиз, дейишди. Қишлоқ Советидан ер участкаси ва бинокорлик материаллари ажратиб беришни илтимос қилишди. Орипов эса бу гал ёшлар ғоясини маъқуллади, аммо клубни ўзлари қура олишларига ишонмади. У Бурчмуллада жойлашган ҳар бир хўжалик вакилларининг пайчилик асосида клубни маблағ билан таъминлашда қатнашиши, ишчи кучи сифатида ёшлардан фойдаланиш ҳақидаги учинчи вариантни ҳам қўллаб-қувватламади.

Айтганча, Ориповнинг боқибегамлигидан кўпчилик (Бурчмулладан бошқа жойларда ҳам) нолиб гапиришаяпти. Раис билан Янкатут ёшлари вакиллари ўртасида муросага келтириб бўлмайдиган мураккаб муносабат давом этмоқда. Бу ҳақда редакцияга келган иккинчи хатдан билиб олиш мумкин.

Юқорида район комсомол комитетининг бурчмуллаликларга берган жавобини эътиборингизга ҳавола қилгандик. Унда шундай сатрлар бор: «Чорвоқ» совхозида вокал-чолғу ансамбли ишлаб турибди». Шуни айтиш керакки, бу коллектив қисқа муддат ичида ёшлар орасида оммалашиб кетди. Унинг раҳбари Ботир Одинаев Тошкент давлат консерваториясини битириб чиққан, ўз программасига ўзбек, шунингдек СССР халқлари қўшиқларини асос қилиб олган, вокал-чолғу ансамбли учун мослаштирилган.

Коллектив қишлоқ Совети ташкил этган тадбирларда хизмат қилди, совхоз кечаларида концертлар берди.

Шу йил кўкламдан бошлаб кўплаб буюртмалар ва илтимослар келаётганлигини инобатга олиб, совхоз касаба союз комитети ансамблга тўйларда хизмат қилишга рухсат этди.

Ана шундан кейин Орипов ўзининг маҳаллий ҳокимият раҳбари эканлиги ёдига тушиб, бутун ишни кўлга олмоқчи бўлди. Аввалига ансамбль маршрутларини белгилаб беришга ҳаракат қилди. «Мен хоҳласам, тўйга борасан, хоҳламасам, йўқ», — деди у Одинаевга тўраларга хос оҳангда. Коллектив аъзолари ҳайрон қолишди. Бу нимаси? Ўзининг кимлигини кўрсатиб қўймоқчими ёки бошқа бирон нарсага шаъма қилаяптими? Ҳаваскорлар аввалига ўзларини йўқотиб қўйишди. Бироқ буюртмалар келаверди-келаверди. Ёшлар тантаналарда айни шу ансамбль музикасига рақс тушишни исташарди. Одинаев тавакал иш тутди. 6 ва 7 март кунлари, шунингдек 12 апрелда коллектив учта тўйда хизмат кўрсатди, бунинг учун ҳар бир тантана ҳисобидан совхоз касаба союз комитети кассасига йигирма беш сўмдан пул ўтказди. Қишлоқ Совети ходимлари ана шу бадаллар ҳақида билишармиди, йўқми — айтиш қийин. Ҳар қалай, билишмаган бўлишса керак, чунки бу ҳақда эшитганларидан кейин ансамбль аъзоларини исканжага ола бошлашди.

Масалан, қишлоқ Совети секретари Исломов йигитлар тўйда хизмат қилишаётганини кўриб, бундай «жиноят»ни актда қайд этиб қўймоқчи бўлди, аммо ўша пайтда музикачилар олдига бориб: «Қонунни буздинглар», — деб очиқ айтишга ботина олмади. Орадан бир кун ўтгач, кассада ёлғиз ўзи ўтириб, актни расмийлаштирди. Унда на Одинаевнинг, на ансамбль бошқа аъзоларининг имзолари бор эди. Ҳужжат шу ҳолида халқ депутатлари Бўстонлиқ район Совети ижроия комитетининг маъмурий комиссияси қўлига келиб тушди. Комиссия ҳам ўйламай-нетмай, суриштириб ўтирмай ансамбль аъзоларининг ҳар бирига 50 сўмдан жарима солди. ВЦСПС секретариатининг 1986 йил 14 мартда қабул қилган «Касаба союзларининг маданий-маърифий, мактабдан ташқари, маданий-спорт муассасасалари томонидан аҳолига кўрсатиладиган тўловли хизматларни кенгайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ўртоқ Орипов билмаса, ким билади?! Ана шу ҳужжатга мувофиқ касаба союз комитетининг маданий муассасасида тузилган вокал-чолғу ансамблининг ҳаваскорлик коллективи аттестация паспортига эга бўлган тақдирда прейскурант бўйича аҳолига тўловли хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга. Шундай қилиб, ўртадаги низо ёшлар фойдасига ҳал этилди. Одинаевнинг ҳам, ўртоқларининг ҳам кайфиятлари кўтарилди. Бироқ у қадар эмас. Нега дейсизми? Ким билсин — ҳали улар ёшларнинг дам олишини яхшилаш учун тариқча иш қилишни истамаётган, аммо ҳар қандай хайрли ташаббус йўлига тўсиқ бўлаётган кишиларнинг яна қанчаданқанча маломатларига бардош беришларига тўғри келар.

Бурчмулла ёшлари фақат вақтни хушчақчақ ўтказиш, танца қилиш, бир пиёла чой устида гурунглашишдан ташқари маънавий бирлашиш имконини ҳам берадиган ўз маданий марказлари бўлишини чин дилдан исташаяпти.

Шуниси ажойибки, ҳозирги 16—30 ёшлилар ўз маданият марказлари бўлишини, унга эгалик қилишни, ҳамма нарсани ўз қўллари билан бунёд этишни ва бошқаришни ўйлашаяпти. Афсуски,бундай позиция лоқайдлик, совуққонлик ва консерватизмга дуч келмоқда.

Ёшлар ёрдамисиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Уларни тушунмаслик, қўллаб-қувватламаслик эса ҳамиша ёмон оқибатларга олиб келади.

**Е. ТРАВАС,**
**М. МИРҲАБИБОВ.**

# ҲОСИЛ ҚАЛҚОНИ

**Фарғона областидаги Киров номли совхоз пахтакорлари экинларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилишнинг интеграциялашган системасини қўлланиш йўли билан дастлабки минглаб сўм маблағни тежаб қолдилар.**

Бу системанинг моҳияти биологик методни химикатлардан танлаб фойдаланиш усулини қўлланишдан иборатдир.

— Ўтган йили янги система 180 минг сўм маблағни тежаб қолишимизга имкон берди, — деди совхоз директори С. Абдумажидов, — пестицидлар сарфи қарийб уч баравар, заҳарли химикатларга пул харажатлари эса ўн бир баравардан зиёд камайди. Хўжаликнинг ўзидаги биофабрика уни энтомофаглар билан таъминлаб турибди.

# УЗУНДА ҚУРИЛИШ НЕГА УЗУН?

1982 йилда «Узптицепром» бирлашмаси буюртмасига биноан Сариосиё районида 6 миллион бройлер боқиладиган паррандачилик фабрикаси барпо этишга киришилди. Республика Қурилиш министрлигининг 167-трести бош пудратчи қилиб тайинланганди. То 1986 йилгача ишда унум бўлмади. Шундан кейин бир қанча сабабларга кўра объектни «Сариасиясовхозводстрой» трести қуриб битказадиган бўлди. 167-трестдан фақат битта ёрдамчи пудратчи ташкилот — механизациялашган 12-кўчма колоннаси қолдирилди.

Қурилишда эса ҳамон ўзгариш йўқ. Планлар мутасил барбод этиляпти. Фабрика биринчи комплекси белгиланган муддатида — 1987 йилда ишга туширилмади. Бу йил ўтган йилги доғ ювилиши билан бирга иккинчи комплекс ҳам ишга туширилиши керак. Бироқ қурилишдаги аҳвол яна ваъда ваъдалигича қолиб кетмасмикин, деб ўйлашга мажбур қилади.

## *БОНГ УРАМИЗ!*

— Йил охиригача 6 миллион 680 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришимиз керак, — дейди «Сариасиясовхозводстрой» трести бош инженери Абдулла Ғуломов. — Лекин... нима десам экан... Биринчи кварталда 1 миллион 167 минг сўмлик юмушни амалга оширишимиз керак эди, бўлмади...

— Сабаб нима? — сўраймиз бош инженердан.

— Сабаб — буюртмачи ўз вазифасини бажармаётганлиги. У «БКМ—3 Д» маркали учта плитали батареялар олиб келиши керак эди. Унинг ҳар бири 50 минг сўм, монтаж ишлари билан 75 минг сўмга боради. Қачон келар экан, деб ҳамон кутаяпмиз.

Буюртмачи — қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси таъминот бўйича инженери Абдумалик Қурбонов айбни ўзидан соқит қилмоқчи бўлади.

— Таъминотчи — «Пятигорсксельмаш» заводи бизга батареяларни юбормади. Яқинда мен ўзим у ёққа бориб, муаммони ҳал қилиб келдим, — деди ва қўшиб қўйди. — Бош пудратчининг ишида сифат йўқ. Битта объектни тугатмасдан бошқасига ўтиб кетишади. Масалан, биринчи товуқхонага бориб кўринг! Сувоқ қилинмаган, оқланмаган, умуман, лойиҳага жавоб бермайди!

— Техника назорати бўйича мутахассисларингиз қабул қилиб олишган-ку, — дейди трест бош инженери ҳам бўш келмай. — Кам-кўстларини эса... аста-секин тузатиб бераяпмиз.

167-трестнинг механизациялашган 12-кўчма колоннаси ёрдамчи пудратчилари планни бажаришаяпти, лекин таъминот масаласи ночор.

— Ишнинг оқсашига буюртмачиларимиз сабабчи бўлишаяпти, — дейди колонна бошлиғи Зарипов.—Биргина бизнинг ташкилотимизга 300 минг сўмликка яқин ускуналар етказиб беришолмади. Шит, прибор, ҳар хил насос ва ҳоказолар.

Хуллас, зарбдор қурилишда иш ўрнига ана шундай баҳслар бўлаяпти. Улар айбни коптокдек бир-бирларига ирғитишади. Бир ёқадан бош чиқариб амалий ишга ўтиш, муаммоларни ҳамкорликда бартараф этиб, қурилиш суръатини тезлаштириш эса ҳеч бирининг хаёлига келмаяпти.

Хўш, айб пудратчидами ёки буюртмачидами? Албатта, қарс икки қўлдан чиқади. Район партия комитети секретари Иноят Соҳибович Суннатов судралиш сабаби кўп жиҳатдан буюртмачига — қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясига тегишли, деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам ваъда қилинган бир талай ускуналар ўз вақтида етказиб берилмаяпти. Дирекция объектдан бир неча юз километр узоқда — Термиз шаҳрида жойлашган.

— Лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳам талабга жавоб бермайди, — дея суҳбатга қўшилди «Сариасиясовхозводстрой» трести техника бўлими бошлиғи Дониёр Қодиров.

— Аввал лойиҳа-смета ҳужжатлари мукаммал эди, лекин бош пудратчи алмаштирилгандан сўнг машимаша бошланди, — Қодировнинг сўзини бўлди буюртмачи ташкилот мутахассиси Эркин Раҳмонов. — 167-трест ҳамма ҳужжатларни «Сариасиясовхозводстрой» га ўз вақтида топшириши керак эди.

— Бу ишга раҳбарлик қилиш буюртмачининг вазифаси-ку?

Бу саволга Раҳмонов жўяли жавоб қайтара олмади.

Ҳар ҳолда бош пудратчида ҳам айб йўқ эмас. Ишчи кучи етишмаяпти. Зудлик билан камида 200—250 кишини бунга жалб этиш керак. Буни трест раҳбарлари ҳам яхши билишади, лекин негадир жим. Шу боис қурилиш сифатидан норозиликлар кўп.

Лойиҳачи — «Узгипросельстрой» институти мутахассислари, хусусан паррандачилик фабрикаси лойиҳаси бош инженери ўртоқ Шестряков ҳам бу ишнинг нақадар муҳимлигини сезмаётганга ўхшайди. Фабриканинг кўплаб объектлари лойиҳасиз. Бироқ бу институт мутахассисларини ташвишлантирмаяпти.

Суҳбат давомида яна шу ҳам маълум бўлдики, буюртмачи бош пудратчи ташкилотнинг 4-механизациялашган колоннасига ўтган йилги 130 минг сўм қарзини ҳануз тўламаётган экан.

— Тўғри, — деди қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциясининг директори Анатолий Иванович Призло. — Лекин бизнинг ўзимиз ҳам бу жиҳатдан ёрдамга муҳтожмиз. «Узптицепром»дан 2 миллион сўмлик ҳақимизни қай йўл билан ундириб олишни билмаяпмиз. Бирлашмамизда молия масалалари зудлик билан изга солинмас экан, ночор аҳволдан қутулолмаймиз.

Узун паррандачилик фабрикаси қурилишидаги аҳвол ана шундай. Бунга эса зудлик билан чек қўйилиши зарур.

**Р. ҚОСИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.**

# МАДАНИЙ ҲАЁТ

## А. С. ПУШКИН ВА ОЙБЕК ИЖОДИ

Тошкентда Ойбек уй-музейида «А. С. Пушкин ва Ойбек ижоди» адабий-бадиий кўргазмаси очилди. А. С. Пушкин туғилган куннинг 189 йиллигига бағишланган экспозиция материаллари Ойбек бундан 50 йил муқаддам Бўстонликда ўтказилган Пушкин конференциясида ўзбекистонлик бир гуруҳ ёзувчилар билан бирга қандай ишлаганлиги ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Конференцияда А. С. Пушкин асарлари шоир-таржимонларининг ўзига хос беллашуви бўлганди. Азиза Маматованинг «Ойбек Чимёнда» тасвирий полотносида ана шу дақиқа акс эттирилган. Кўргазмада Ойбек қаламига мансуб дастлабки таржималарнинг қўлёзмалари — «Евгений Онегин», рус адабиёти классигининг жанубда сургундалик даврида ёзган шеърлари ва «Болдин кузи» пайтидаги асарлари бор.

Кўргазма Ойбекнинг А. С. Пушкин ижодига бағишланган адабиётшуносликка оид асарлари, Пушкин асарларининг Ойбек таржимасидаги дастлабки нашрлари билан ҳам таништиради.

## ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Самарқанддаги тинчлик ва бирдамлик музейи беш мингинчи экспонат билан бойиди. У Француз қаршилиги сафларида фашизмга қарши жанг қилган совет жангчилари дафн этилган жойлар белгилаб қўйилган Франция харитасидир. Харита билан бирга совет жангчилари қабрларининг кўплаб рангли фотосуратлари ҳам олинди.

Бу экспонатни музей ходимларининг илтимосига кўра, Францияда партизанлик ҳаракатининг ташкилотчиларидан бири 90 ёшли Жан Лезан билан Перигуэ деган жойдаги мактаб ўқитувчиси Жак Равари юборишган. Улар олиб борган изланиш туфайли французлар билан биргаликда фашизмга қарши курашган совет жангчиларининг номларини аниқлашга муваффақ бўлинди.

1893 йилда туғилган екатеринославлик Алексей Шаполин 1944 йил 24 августда Сент-денис-лаваль деган жойда фашистлар томонидан отиб ташланган. 1900 йилда туғилган лейтенант Фёдор Коженякин фахрий Легион ордени ва Ҳарбий крест билан мукофотланган. У 1944 йилнинг сентябрида ҳалок бўлган ва Лохри деган жойга кўмилган.

Янги экспонатлар Самарқанддаги тинчлик ва бирдамлик музейи таъйёрлаётган виставкада кўзга кўринарли жойни эгаллайди. Тез фурсатда минглаб совет кишилари ва кўҳна шаҳарга қадам ранжида қилувчи чет эллик туристлар кўргазма билан танишишлари мумкин.

## ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Термизда Сурхондарё ижодкор ёшларининг Ленин комсомолининг 70 йиллигига бағишланган область фестивали бўлиб ўтди. Ҳаваскор вокал-чолғу ва рақс ансамблари, драматик коллективлар ўн кун мобайнида маданият уйлари ва боғларда концерт қўйдилар ҳамда томоша кўрсатдилар. Фестиваль доирасида ёш рассомлар, ҳайкалтарошлар, манзарали-амалий санъат усталари асарларининг кўргазмалари ўтказилди.

(ЎзТАГ).



## УСТОЗ ВА ШОГИРД

**«Наманганирстрой» трестининг Наманган районидаги қурилиш-монтаж бошқармасида Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси шарафига ўтказилаётган социалистик мусобақада коммунист Собиржон Мамажонов билан унинг шогирди Акрамжон Тўхтабоев пешқадамлик қилишмоқда. Зарбдорлар квартал планларини мунтазам 130—140 процент уддаламоқдалар.**

А. ҚОРАБОЕВ.

Давримнинг ҳур қизиман,
Порлаган юлдузиман.
Болалигим —гуллолалигим,
Шўхлигим —шалолалигим.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ
фотоэтюди.

Китоб жавонингизга

# БАДИЙ ХАЗИНА

Академик Г. А. Пугаченкованинг яқинда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти босиб чиқарган китоби ана шундай аталади. Бу йил илмий фаолияти бошланганининг 50 йиллиги нишонланадиган таниқли олиманинг мазкур асарида Ўрта Осиё халқлари қадимги ва ўрта аср санъатининг турли жиҳатлари атрофлича ёритилган.

Китобнинг биринчи бўлими Жанубий Туркманистоннинг антик давр ва ўрта асрдаги (эрамизнинг олдинги III—эрамизнинг XVIII асрлари) меъморчилигига бағишланган. Иккинчи бўлим эса «Ўрта Осиё —Панжоб региони санъатида эллинизм хусусиятлари» (эрамиздан аввалги IV — эрамизнинг I асрлари) деб аталади. Бу территория СССРнинг айрим қисми, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонни ўз ичига олади.

Мазкур регионда эллинизмнинг ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, бадиий ҳунармандчиликка таъсири архитектурага нисбатан анча кучли. Санъатда эллинизм маданияти таъқидий ўзлаштирилган.

Учинчи бўлимда Бақтрия санъати (эрамиздан аввалги IV — III ва эрамизнинг III — IV асрлари) ёритилган. Унда Бақтрия ва Эроннинг қадимий анъаналари, эллинизм таъсири, скифларга хос қоидалар, чегарадош вилоятлар билан алоқалар муҳим роль ўйнаган.

«Челакнинг эфталит косаси» (эрамизнинг V асри) сарлавҳали мақолада тилла суви юритилган кумуш идиш тўғрисида ҳикоя қилинади. 1961 йилда Самарқандининг шимолий-ғарбий қисмида жойлашган Челак қишлоғидан топилган бу косага хотин-қизлар ва қанотли доҳийлар тасвири туширилган.

Муаллиф бошқа мақолаларида Ўрта Шарқ меъморчилигининг услуб ва мактаби, Шимолий Афғонистоннинг унча маълум бўлмаган обидалари, Ўрта Осиёнинг XV асрдаги боғлари ва хиёбонлари, шу даврдаги нафис расмлар тўғрисида ҳикоя қилади.

Г. А. Пугаченкованинг Ўрта Осиё санъати тарихини ўрганишга қўшган ҳиссаси катталигидир. У кўп йиллардан бери Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясига раҳбарлик қилиб келади. Шу давр мобайнида 450 дан зиёд асар ёзди ки, шунинг ўзи ҳам олиманинг илмий фаолияти кенг ва серқирра эканидан далолат беради.

Коммунист, олим, жамоат арбоби Г. А. Пугаченкова ҳар доим ижодий изланишда. Унинг янги китоби фаннинг бу соҳаси мухлисларини Ўрта Осиёнинг узоқ ўтмишдаги санъатига доир ҳалига қадар ҳеч ким билмаган маълумотлар билан таништиради.

**П. СИЛИН.**
**Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш республика жамиятининг жамоатчи инспектори.**

*Катта ёшдагилар ва болалар учун*

Юрий ДМИТРИЕВ




Болаларни ҳайвонот дунёси билан таништиришни ҳашаротлардан бошлаган эдик. Сут эмизувчилар билан тугаллаймиз. Китобимизда болалар ўйиган китобларида, эҳтимол, табиатда ҳам кўрган ҳайвонлар билан учрашадилар. Тўғри, сут эмизувчиларнинг аксариятини, жумладан, қашқир, тулки, оқсувсар, бўрсиқ, лось кабиларни ҳам кўриш жуда осон эмас. Уларнинг ўрмонда борлигини фақат синчков, зийрак, билимдон одамгина сезиши мумкин. Қиш пайтида сут эмизувчиларнинг борлигини уларнинг изидан, баҳор ва куз пайтида эса дарахтларга илиниб қолган тутам-тутам жун ёки тоғтераклнинг кемирилгани, ағдарилиб ётишидан билиш мумкин.

Мактабгача ёшда бўлган болалар, албатта тулкини ҳам, қашқирни ҳам, типратиканни ҳам, олмахонни ҳам биладилар... Бу ҳайвонлар ҳақида эртаклар, ҳикоялар ўқишган, баъзилар эса уларни кўришган ҳам. Аксари ҳолда у ёки бу ҳайвон билан учрашган болалар қуйидагича саволлар беришади: «У қаерда яшайди?», «Нималар ейди?», «Болаларини қандай озиқлантиради?». Ана шу саволларга китобимизда жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Тўғри, биз кўпгина ҳайвонлар тўғрисида гапирмаганмиз. Ахир, энг муҳими, болада савол туғдириш, атроф муҳитига диққат билан қарашга уни мажбур этиш, эътиборини у билан ёнма-ён яшаётган «нотаништанишлар»га қаратиш лозим. Уларнинг тақдири кўпинча хулқ-атворимизга, табиатга муносабатимизга боғлиқ бўлади.

«Ҳайвонлар тўғрисида» китоб ўқиб чиққан болалар биолог бўлишлари шарт эмас.

Улар янги шаҳарлар бунёд этишади, заводлар қуришади, болаларни тарбия қилишади. Агар улар ўша ишларни табиатни севувчи, унинг тақдири ҳар биримизнинг қўлимиздалигини тушунувчи киши позициясида бажаришса, ўйлайманки, қўлингиздаги ва шунга ўхшаш китобларнинг ўз олдига қўйган вазифалари ижобий ҳал этилади...

Ёз ҳам ўтади, совуқ шамол эса бошлайди. Емғир ёғса, бутун кун бўйи ёғади, совуқ, диққатни оширадиган кун келади. Бундай қарасангиз, қайин, жўка, қайрағоч дарахтида биринчи сариғайган барглар пайдо бўлади... «Куз келди!»— дейди ҳамма. Ҳазонрезлик пайт табиатнинг гўзал ҳодисаси. Болаларда бу ҳодиса қанча саволлар туғдиради: «Нега хазонрезлик пайт бўлади?», «Нима сабабдан барглар сарғаяди?»

Бу саволларга жавоб бериш, ҳаммасини тушунтириш лозим: барглар ўсиб чиққан жойида пўкак қатлам пайдо бўлиши, шу тутфайли барг енгил узилишини кўрсатиб, кузги барглрнинг ранги нимага боғлиқ эканини сўзлаб бериш зарур.

Ҳар куни кашфиёт содир бўлади. Болалар ўсимликлар ҳаракатланиши, саёҳат қилиши мумкинлигини билиб оладилар. Шамол кўтарган момақаймоқ оқ парашютдек учади. Земляника янги ерларга судралиб боради: қип-қизил меваси эгилиб тушган тупдан турли томонга иплар мўйлов сингари тарқаган. Ана шу мўйловларнинг учидан аввало куртак чиқади, ундан эса тупча пайдо бўлади. Кейин тупча ерга илдиз отади ва янги жойда янги ниҳол униб чиқади.

Болалар турли хил тошчаларни, чиғаноқларни, уруғларни йиғишни яхши кўришади. Бундай «эркин» ҳолда йиғишдан минераллар, гербарийлар коллекциясини тузишни ташкил қилиш мумкин. Бундай биргалашиб қилинган иш болаларнинг билиминигина ошириб қолмай, яна уларни батартиб, меҳнатсевар бўлишга, бошланган ишни охирига етказишга ўргатади.

Гербарий ясаш учун бир неча маслаҳат берамиз. Барглар ва ўсимликларни қуритишда китоб ва журналлардан ҳеч қачон фойдаланманг. Усимликларни иккита тахта ёки фанерь орасида қуритиш ҳаммасидан ўнғай. Тахтача устига 4—5 варақ газета қоғозини қўйиб, устига баргларни тахлаб чиқилади ва унинг устига яна қоғоз ёпилади-да, тахтача қўйилади. Кейин оғир юк бостирилади. Тайёр бўлган нусхаларни эҳтиётлик билан қалин қоғозга тикиб чиқилади. Топган уруғингизни энг яхшиси гугурт қутичаси ичида сақланг. Ҳар бир қутичага расм чизинг, у ёзув ўрнини босади.

Куз фасли келаётганини билдирувчи бошқа белгиларни айтиб беришни болалардан илтимос қилинг. Кўпинча улар қушлар учиб кетганини, кун қисқа, тун эса узайганини айтишади, (Нега шундай бўлганини болаларга, албатта, тушунтириб беринг). Бу, табиийки, энг муҳим белгилар бўлиб, уларни мактабгача ёшдаги деярли барча болалар биладилар. Аммо яна бошқа белгилари ҳам борки, уларни топиш, сезиш, эслаб қолиш зарур. Кузги ўрмон овози, унинг ҳиди, ўсимликларнинг меваси ва уруғи қандайлигига, улар ҳар хил эканликлари, ҳаракат қилишларида турли хил ва «айёрона» мослашувга эга бўлишларига болалар эътиборини тортиш керак.

«У роса кузатувчан бўлиб қолибди, ёз пайтида жуда кўп нарса ўрганибди, бўйи ҳам ўсиб, офтобда чиниқибди...», — деб ўйлайсиз болангизга қараб. Ишонинг, унинг бундай бўлишида сизнинг хизматингиз бор, дўстона иштирокингиз ва қизиқувчанлигингиз ёрдам берди!

**Кузда болалар боғчага ёки мактабга боришади. Ташвиш, югур-югур кўпаяди. Аммо ўрмон сизга ҳали таниш бўлмаган ўз ҳаёти билан яшайди, деразангиз ортида қушлар совуқ еб, дон ахтаради, шунн унутманг...**

## «ЭНДИ ҚИЛМАЙМАН!»

Ҳаво бузилди. Ёмғир томчилай бошлади. Ўрмон устини оқ булут қоплади. Яхши кунлар ўтди, ўйладим ўзимча, куз ҳам келди. Шаҳарга жўнаш пайти яқинлашди. Аммо ҳеч кетгим йўқ! Ромашкаларнинг ҳам, эҳтимол, кетгилари йўқдир. Ахир, улар мактабга боришади.

— Ромашкаларни кўриб келгани бормаймизми-а, Боцман? — таклиф қилдим мен биринчи марта.

Боцман ҳатто ўгирилиб ҳам қарамади, чунки пишиллаб, ширин мудрарди. У ёмон об-ҳавони ёқтирмасди. Печка ёнига биқиниб кун бўйи ухларди.

— Боцман! — чақирдим итни. — Уйқу етар! Бу ёққа кел! — Боцман керишиб, эснади. «Нега уйда ўтирғингиз келмайди?» — деган таънани ўқидим унинг қарашидан.

— Юр, юр. Ёмон ҳаво бўлмайди... — плашч билан этигимни киярканман дедим мен ҳам бўш келмай. — Бу ердан узоқ эмас.

Тезда Ромашкаларнинг уйига етиб келдик.

— Кирсак майлими?

— Киринг, киринг! — хурсанд бўлиб деди Матрена Тимофеевна.

— Рома, Маша, қаранглар, ким келди уйимизга!

— Қўзиқоринли пирог тайёрлаганмиз. Еб кўринг!

— Раҳмат. Йўқ, демайман.

— Боцман, ма, бир бўлак қанд сенга. Егин! — Рома итга ширинликни узатди.

— У қанд емайди. Сабзи бўлса, жон деб ейди.

— Боцман, сабзи ейсанми?

У таниш сўзни эшитган заҳоти думини ликиллатди; қизиқ шуни ҳам сўрайдими? Аммо тўсатдан Боцманнинг юнглари ҳурпайиб, бўғиқ ингради. «Кимга бундай қилаяпти экан?» — ўйладим мен. Шу пайт ғалати жониворни кўриб қолдим, мушукчага ўхшарди. Боцман қараб турди, кейин кровать остига кириб олди.

Бу қанақа махлуқ?— ҳайрон бўлдим.

— Бу маҳлуқ эмас. Бу қизил Катяку, — куларкан деди Маша. Унинг мўйлови ва думи бор, холос.

— Гап бу ёқда, де! Демак, у мушук? Сени нима қилиб қўйишибди? Бечора Мушка!

Мушукчани қўлимга олдим-да, унга боғлаб қўйилган барча латта-лутта ва бантикчани ечиб ташладим, бир-икки силаб эркалатгач, қўйиб юбордим.

— Мана энди ҳақиқий мушукчага ўхшадинг. Нега уни қийнайсан, Маша? Агар шундай қилишларингни билганимда сенга уни ҳеч қачон совға қилмаган бўлардим!

— Энди бундай қилмайман! Кечир, мушукчам! — деди Маша ва жониворни бағрига босди.

— Уни нима билан боқаяпсизлар?

— Бувижон, мушукни нима билан боқамиз? — сўради Маша.

— Сут бераяпмиз, қаймоқ. Кеча Кузьма бува қизилқўз балиқдан олиб келди. Мушукча аввалига балиқчани бирпас ўйнади, кейин ея қўйди. Ғалати мушукча, ёқимтой!

— Энди, Матрена Тимофеевна, қишда зерикмайсиз. Икковларингиз хушчақчақ ўтказасизлар.

— Уни биз уйга олиб кетамиз, — деди Маша овози титраб кўзларида ёш кўринаркан.

— Олиб кетасан, олиб кетасан, неварагинам. Агар ойинг майли деса мушукча сенга, — деди бувиси Машага ачиниб.

— Мушкага уйларингда ким қарайди? Ойинг ишда, сенлар ўқишда бўласизлар...

— Узимиз қараймиз, чин сўзимиз...

— Чин сўзларинг бўлса, унда майли...

— Мен Мушканинг расмини чиздим. Ёмғир ёғаверди-ёғаверди, мен эса Мушканинг портретини чиздим, — деди Ромка. — Кўрсатаймн?

— Албатта кўрсат! — қувониб дедим мен.

— Шу мушукчами?! — ҳайрон бўлдим. — Боцманга бироз ўхшаш. Мушукчалар бундай ўтирмайди. Мушкага диққат билан қара — иккала олдинги оёқларига бош қўйганча жуда қулай ётибди.

— Мушуклар қандай ётиши, сув ичиши, ўзини ўзи ялаб тозалаши, ўйнашига эътибор бермаганмисиз? Уларнинг ҳаракатлари жуда чиройли нозик бўлади. Рассом Ватагин катта мушуклар — силовсинларнинг расмини чизишни жуда севарди.

— Мен унинг янги портретини бундан яхшироқ қилиб чизаман.

— Ҳаракат қилиб кўр, илтимос—дедим мен.

**Уйларингизда бирон-бир ҳайвон борми? Сиз унга қарайсизми? Қайси овқатни хуш кўради? Онлангиздан кимга у кўпроқ ўрганган? Шуни кузатинг.**

# СПОРТ ахборати

## ФУТБОЛ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида Ставрополнинг «Динамо» командаси карвонбошиликни қўлдан бермаяпти. Бу аҳил коллектив сафарда ҳам яхши ўйнаб, мухлисларини хурсанд этаётир. Динамочилар ўтган турда Волгоградда маҳаллий «Ротор» командасини мағлубиятга (1:0) учратиб, очколар сонини 20 тага етказиб олдилар.

«Пахтакор» — «Динамо» (Ботуми) матчи ҳам қизғин ўтди. 21-минутда пахтакорчи Михель ҳисобни очди. Кейинчалик Бигвава жавоб тўпини киритди. Учрашув тугашига 12 минут қолганда ҳужумга ўтган ҳимоячи Билолов «Пахтакор»ни олдинга олиб чиқди — 2:1.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Даугава» (Рига) — «Таврия» (Симферополь) — 1:1, СКА «Карпати» (Львов) — «Шинник» (Ярославль) — 3:0, СКА (Ростов) — «Спартак» (Оржоникидзе) — 1:0, «Звезда» (Пермь) — ЦСКА — 2:4, «Геолог» (Тюмень) — «Кузбасс» (Кемерово) — 2:0, «Помир» (Душанбе) — «Гурия» (Ланчхути) — 2:1, «Котайк» (Абовян) — «Ростсельмаш» (Ростов) — 1:2, «Кубань» (Краснодар) — «Заря» (Ворошиловград) — — 3:1.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

| | У | Т | О |
|---|---|---|---|
| «Динамо» (Ст) | 13 | 19—8 | 20 |
| ЦСКА | 13 | 19—7 | 19 |
| «Помир» | 13 | 22—11 | 19 |
| «Геолог» | 12 | 16—12 | 16 |
| СКА (Р) | 12 | 17—14 | 14 |
| «Котайк» | 13 | 17—21 | 14 |
| «Ростсельмаш» | 12 | 17—12 | 14 |
| СКА «Карпати» | 12 | 20—11 | 13 |
| «Ротор» | 12 | 17—11 | 13 |
| «Таврия» | 12 | 12—10 | 13 |
| «Пахтакор» | 13 | 15—15 | 13 |
| «Спартак» | 13 | 18—23 | 12 |
| «Даугава» | 12 | 13—11 | 12 |
| «Гурия» | 12 | 13—14 | 11 |
| «Кузбасс» | 13 | 9—17 | 11 |
| «Кубань» | 13 | 14—19 | 11 |
| «Колос» | 12 | 9—12 | 10 |
| «Шинник» | 12 | 10—15 | 10 |
| «Заря» | 12 | 14—14 | 10 |
| «Металлург» | 12 | 4—15 | 7 |
| «Динамо» (Бт) | 12 | 8—16 | 6 |
| «Звезда» | 12 | 9—24 | 4 |

Бугун навбатдаги тур учрашувлари ўтказилади. «Пахтакор» Ланчхутининг «Гурия» командаси билан ўйнайди.

## БОКС

Ленинградда ўтаётган ҳалқаро мусобақа чарм қўлқоп мухлисларида яхши таассурот қолдираяпти. Иккинчи кунги баҳсларда кубалик жаҳон чемпиони П. Рейес (51 килограммгача) читалик А. Филипповни дорда қолдирди. Унинг юртдошлари Х. Эрнандес (65) Э. Ҳакимовни, Ф. Савон (91) Е. Судаковни енгди. Айниқса жаҳон кубоги соҳиби М. Мартинес (54) ва тбилисилик А. Казанжян ўртасидаги учрашув қизғин ўтди. Бу «жанг»да совет боксчисининг қўли баланд келди.

## САМБО

Спортнинг бу тури бўйича Калининда ўтказилган халқаро мусобақада ғолиблик учун муросасиз кураш борди. Пировардида краснокамсклик Фарит Каримов, чебоксарлик Сергей Андреев, пермлик Олег Лебедев, курганлик Александр Позднияков, владимирлик Валерий Белов, кстоволик Николай Иргушкин, барнауллик Вячеслав Елистратов, майкоплик Олег Мерзеканов, свердловскли Андрей Колилов ва барнауллик Станислав Белинский ғурмат шоҳсупасининг биринчи поғонасига кўтарилдилар.

## ВЕЛОПОЙГА

Буюк Британия йўллари бўйлаб ўтаётган пойганинг тўққизинчи босқичидан сўнг Василий Жданов пешқадамликни қўлга олди. Халледа бошланиб, шу ерда якунланган 188 километрли масофада польшалик Чеслав Райх ғолиб чиқди. Жданов ҳам маррага пешқадамлар сафида етиб келди. У иккинчи ўринда бораётган чехословакиялик Пётр Пришкринлдан анча илгарилаб олди.

**Редактор ўринбосари**
**Н. ЕҚУБОВ.**

# ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

**12 МАЙ, ЯКШАНБА**
**ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ**

● ЎТ I

8.30 Янгиликлар.
8.45 Ритмик гимнастика.
9.30 «Кўҳна кедр ҳақида эртак». Мультфильм.
9.50 «Спортлото» тиражи.
10.00 «Будильник».
10.30 **«Совет Иттифоқига хизмат қиламан!».**
11.30 «Тонгги почта». Музикали кўрсатув.
12.00 «Сиз бунга қодирсиз».
12.45 «Ералаш» болалар ҳажвий киножурнали.
12.55 Шеърият лаҳзалари.
13.00 «Музикали киоск».
13.30 **Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан.** «Қишлоқ янгиликлари».
14.30 «Здоровье».
15.15 Ёш томошабин театри. **«Қишки эртак».** Телевизион спектакль премьераси. В. Шекспир пьесаси асосида.
16.50 Мультипликацияда фантастика. «Фантадром». 1 ва 2-сонлар.
17.15 **«Халқаро панорама».**
18.00 **«Оғиртабиатли Бесков».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Экран»).
19.00 «Менга сўз беринг», Шоир К. Ваншенкининг чиқиши.
19.15 «Йиллар. Авлодлар. Қўшиқлар». 4-кўрсатув.
20.00 **МТ экранида биринчи март.** «Судланувчи». Бадиий фильм («Ленфильм»).
21.30 **«Время».**
22.00 Футбол. Европа чемпионати. Англия — Ирландия терма командалари. ГФРдан кўрсатилади.
23.40 «Баҳор куни». С. Туликов қўшиқлари.
00.10 Янгиликлар.

● МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг!

*

**«Тафаккур» программаси**

8.45 «Сиз яратган боғ».
9.20 «Уфқ» киноальманахи («Центрнаучфильм»).
9.50 Портретлар. «Бу ўйлар, бу ширин ҳаёллар...». А. Фет.
10.40 «Ўқитувчи дарсига». В. Ф. Шаталов сабоқлари. 3-кўрсатув.
11.10 Спортнинг миллий турлари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Спорт ҳақида уч ҳикоя», «Узоқ асрдан қолган коптоқ».
11.40 Иқтисодий билимлар асослари. **«Агро»** тележурнали.
12.10 Ажойиб кишилар ҳаёти. Академик Н. Н. Бурденко.
12.45 «Оламга саёҳат». Кинольманах.
13.45 «Агар сиз...» Кўрсатувни ёзувчи В. Токарева олиб боради.
14.30 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина (такрор.).
16.30 Телевизион музикали абонемент. «Рус хор маданияти ҳақида суҳбатлар». 2-кўрсатув. С. И. Танеев.
17.30 «Фидойи шахслар». Загорск болалар уйининг муаммолари ҳақида. 1-кўрсатув —«Дахлдорлик», 2-кўрсатув — «Енгиш».
19.00 «Қўғирчоқ театри оламни». 3-кўрсатув.
19.50 Енгил атлетика. Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун халқаро мусобақалар. Ленинграддан кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.30) — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Енгил атлетика. Ака-ука Знаменскийлар хотираси учун халқаро мусобақалар. Ленинграддан кўрсатилади.
21.30 **«Время».**
22.00 «Она Мария». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.30 Янгиликлар.

● ЎзТВ

8.00 **«Ассалому алайкум».** Информацион-музикали программа.
10.00 «Ҳужжатли экран». Кўрсатувни кинорежиссёр Ҳ. Жўраев олиб боради.
11.00 «Биргаликда куйлаймиз». Д. Зокиров, П. Мўмин. «Ёз яхши» (такрор.).
11.20 «Театр ва замон».
12.35 «Ёш спортчи мактаби». 1. «Шахмат мактаби». 2. «Футбол».
13.25 «Таништинг: модалар театри». «Элга хизмат: талаб ва таклиф» туркумидан (рус.).
14.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар». Фарғона областининг ғўнча» ва Сурхондарё областининг «Лочин» командалари мусобақалашадилар.
15.05 «Қаршистрой» бошқармаси «Марҳабо» ашула ва рақс халқ ансамблининг концерти.
15.50 Реклама.

* * *

17.40 Кўрсатувлар программаси.
17.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим». Қўшиқнавис шоир Б. Исроилов.
18.30 **«Бугун — Енгил саноат ходимлари куни».**
19.00 **Москвада Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантаналн кеча.** Адабиётчилар Марказий уйидан трансляция пайтида ёзиб олинган.
20.00 **«Ахборот»** (рус.).
20.20 «Елкан, шамол ва биз». Манзарали фильм.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Дала меҳнаткашлари учун концерт.
21.30 Москва. **«Время».**
22.00 **Экранимизда биринчи март.** «Шосседаги уч киши». Бадиий фильм («Мосфильм»).
23.30 «Сизлар учун учрашувлар». «Сайёз» вионончелистлар ансамблининг ижоди ҳақида кўрсатув.
00.10 Кўрсатувлар программаси.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»— «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»

Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Р — 13977. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. А. 2018. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12